

462  
463  
464

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши  
Ражаб-Шаъбон-Рамазон 1446ҳ  
Январ-феврал-март 2025м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй

## Ал-Ваъй сўзи

Сурия иқтисодини қайта тиклаш ва мамлакатни ўз ҳолига қайтариш: кучли давлат қуришми ёки минтақавий низом билан интеграция қилишми?

Исломий ўлкаларда Ислом  
ва секуляризм ҳақида буюк  
ёлғон

15

Коммунизм ўз давлатини қура  
олади-ю, Ислом Уммати қура  
олмайдими?!

24

Чинакам Ихлос

50

Нусрат... Қатъий ишонч  
ва унга лойиқ бўлиш

86

Қўшма Штатлар Бангладешдаги вазият  
(Исломий Халифалик) борасида  
қаттиқ хавотир олмоқда

88

Халифалик давлати  
қулатилганлигининг  
104 йиллиги муноса-  
бати билан Ҳизб ут-  
Таҳрирнинг дунё бўй-  
бўйлаб фаолиятига  
оид мақолалар

41



462  
463  
464

Ўттиз тўққизинчи  
йил чиқиши

Январ-март 2025м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Сурия иқтисодини қайта тиклаш ва мамлакатни ўз ҳолига қайтариш: кучли давлат қуришми ёки минтақавий низом билан интеграция қилишми?..... 3
- Исломий ўлкаларда Ислом ва секуляризм ҳақида буюк ёлғон ..... 15
- Сурия режими, секуляризмнинг мағлубияти, ўзгаришни амалга ошириш ва тўғри йўлдаги Халифалик давлатини тиклаш ..... 18
- Коммунизм ўз давлатини қура оладую, Ислом Уммати қура олмайдими?!... 24
- Халифалик давлати қулатилганлигининг 104 йиллиги хотирасида Ҳизб ут-Таҳрирнинг дунё бўйлаб фаолиятига оид мақолалар .... 41
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 50
- **Жаннат боғлари:** Абу Бакр Сиддиқ нинг позицияси ҳақни ушлаш ва уни баралла ҳайқаришда ҳар бир муслмон учун доимо намунадир ..... 60
- **Олам муслмонлари хабарлари**.... 80
- **Сўнги сўз:** Нусрат... қатъий ишонч ва унга лойиқ бўлиш ..... 86
- Қўшма штатлар Бангладешдаги вазият (Исломий Халифалик) борасида қаттиқ хавотир олмоқда ..... 88



## **СУРИЯ ИҚТИСОДИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА МАМЛАКАТНИ ЎЗ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИШ: КУЧЛИ ДАВЛАТ ҚУРИШМИ ЁКИ МИНТАҚАВИЙ НИЗОМ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШМИ?**

**Аҳмад Қасос – Ливан**

Сурияда золим режим қулаганидан буён иқтисодий вазиятни яхшилаш ва мамлакатни қайта қуриш энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Кўпчилик бу масалани бошқа барча мулоҳазалардан устун қўйиб, иқтисодни ўнгламай ва қочқинларни ортга қайтармай туриб, Сурияни қайта қуриш мумкин эмаслигини таъкидламоқда. Бироқ, бу фикрлар ичида энг хавфлиси «иқтисодий вазиятни яхшилаш ва мамлакатни қайта қуриш фақат йирик давлатлар, халқаро ташкилотлар ва минтақадаги араб давлатлари, айниқса Форс кўрфази давлатларининг молиявий кўмаги билан амалга ошириш мумкин», деган тушунчадир. Сурияни ғарб давлатлари ва минтақавий режимлар билан мустаҳкам стратегик алоқалар ўрнатишга мажбурлаш учун асосий аргумент сифатида ушбу фикрлардан фойдаланилмоқда.

Суриядаги золим режим қулаганидан хурсанд бўлган кўплаб ҳақиқатпарвар инсонлар бу фикрларни таҳлил қилар экан, уларга «албатта қабул қилиниши керак бўлган ҳақиқатлар» сифатида қараб, мамлакат иқтисодини яхшилаш ва мамлакатни қайта қуришнинг ягона йўли деб билишмоқда.

Бироқ халқаро ва ғарб матбуотида кенг тарқалаётган бу тушунча аслида Сурия ва унинг халқига ҳамда қўзғолонига қарши уюштирилаётган янги ҳужумнинг бир қисмидир. «Мамлакатни қайта қуриш ва иқтисодини яхшилаш» номи остида тузилаётган ушбу режалар аслида Сурия халқи манфаатларига хизмат қилмайди. Булар жаҳон капиталистик корпорациялари ва ғарб давлатларининг иқтисодий лойиҳалари доирасида ишлаб чиқилган режалардир. Бу жараёнда минтақавий режимлар, айниқса Форс кўрфази давлатлари асосий рол ўйнамоқда.

Агар халқаро ва минтақавий сиёсий ва иқтисодий янгиликларни диққат билан кузатадиган бўлсак, бутун Яқин Шарқда, жумладан Сурияда юз бераётган воқеалар АҚШ, Европа ва яҳудий вужудининг стратегик мақсадларини рўйбга чиқаришга қаратилганини осонгина англаб етишимиз мумкин.

Шу жиҳатдан олганда, минтақада юз бераётган ҳал қилувчи воқеалар қуйидаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоқда:

- Ливанда Эрон партияси (Ҳизбуллоҳ) мағлубиятга учраб, халқаро назорат остига олинди.
- Теҳрон режими Ливандаги таъсирини йўқотди ва Суриядан чиқариб юборилди.
- Ҳазога қарши ваҳший уруш олиб борилмоқда.
- Суриядаги янги ҳукуматга нисбатан очиқ муносабат билдирилиб, уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда.

Буларнинг барчаси минтақанинг иқтисодий келажаги ҳақида катта ташвиқот (агитация) билан бирга олиб борилмоқда. Ливан ва Сурия тезда тикланиши, катта сармоялар киритилиши, иш ўринлари кўпайиши, ишсизлик камайиб, одамларнинг ўртача даромади ортиши, инфратузилма ривожланиши ҳақида ваъдалар берилмоқда. Аммо бу ваъдалар қанчалик ҳақиқатга яқин? Агар уларда озгина бўлсада ҳақиқат бўлса, бу қандай асосларга таянмоқда?

Бу гаплар шунчаки қуруқ ташвиқот эмас. Юқорида айтиб ўтилганидек, буларнинг амалга оширилиш эҳтимоли юқори ва маълум даражада ҳақиқатга яқиндир. Бу Америка, Европа, минтақа режимлари ва яҳудий вужуди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган режанинг бир қисмидир. Дарҳақиқат, Шарқий Ўрта Ер денгизи минтақасида (шу жумладан, Шом ўлкаларида) йирик газ конлари топилгандан сўнг, бу ҳудуд йирик сармоя киритиш учун истиқболли марказ сифатида кўрила бошланди. Бундан ташқари, нефть ва минерал ресурслар ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Газ ресурслари АҚШ ва Европанинг стратегик сиёсий мақсадларига мос келганлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу газ Россиянинг Европа Иттифоқига етказиб берадиган асосий ресурсга муқобил сифатида кўрилмоқда. Украина уруши бошланганидан кейин Россия газини Европага

етказиб бериш тўхтатилди. Энди, агар АҚШ Шарқий Ўрта Ер денгизигаги (Шом минтақасидаги) газ конларига эгалик қилиб, уни Европага етказиб бера олса, у бир қанча стратегик мақсадларга эришган бўлади:

1 – Россияни даромаддан маҳрум қилиш: Европанинг рус газига бўлган эҳтиёжини йўққа чиқариш билан Москванинг бюджетига тушаётган асосий молиявий оқимни тўхтатади.

2 – Европани АҚШга қарам қилиш: Европани Россиядан узоқлаштириб, АҚШ таъсирига бўйсундиради.

3 – АҚШ корпорацияларига фойда келтириш: улар газ ва мамлакатни қайта қуриш лойиҳалари орқали катта даромад олишади.

4 – Минтақавий давлатлар устидан назорат ўрнатиш: АҚШ бу ресурсларни ўз таъсири остидаги режимлар орқали назорат қилади.

Бундан ташқари, Сурия, Ливан ва Ғазо секторидаги қайта қуриш лойиҳалари йирик компаниялар (асосан Америка компаниялари) учун катта фойда келтиради. Бу ишга баъзи Европа, Форс кўрфази ва эҳтимол турк компаниялари ҳам жалб этилиши мумкин.

Лекин бу лойиҳанинг энг хавfli томони шундаки, яҳудий вужуди бундан катта фойда кўради. Бундан ҳам хавфлиси, бу йирик иқтисодий лойиҳа АҚШ минтақа учун ишлаб чиққан умумий сиёсий режанинг бир қисмидир. Бу режа «Иброҳим келишувлари» орқали яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш ва уни минтақада қонуний ва асосий шерик сифатида қабул қилишга қаратилган.

Шунинг учун Сурия ва Ливан халқига таклиф этилаётган «иқтисодий келажак» лойиҳаси уларнинг манфаатларига хизмат қилмайди. Бу лойиҳа АҚШнинг минтақадаги стратегик манфаатларига, шунингдек, яҳудий вужуди учун мустаҳкам иқтисодий манфаатларга мос шаклда ишлаб чиқилган.

Кўпчилик «мазкур нарсалар туфайли Сурия ва Ливан халқлари йирик иқтисодий лойиҳадан катта фойда кўради. Чунки йирик сармоялар кириб келади, иқтисод ўсади, кўплаб иш ўринлари яратилади, инфратузилма ривожланади, қочқинларнинг ватанга қайтиши учун шароит яратилади. Шундай экан, халқаро лойиҳалар ва маҳаллий манфаатларнинг

бир-бирига мос келишида қандай хавф бор?», деб ўйлашлари мумкин.

Бунга жавоб қуйидагича: ҳа, маблағ ва иш ўринларининг кўпайиши кутилади. Қайта қуриш, инфратузилма ва хизматларни қайта тиклаш ва ривожлантириш лойиҳалари пайдо бўлиши мумкин. Натижада, ҳар икки давлат халқи – режим қирғинларига учраган Сурия халқи ва тахминан олти йил аввал бошланган иқтисодий таназулни бошидан кечирган Ливан халқи – хўрланган ҳолатдан кўра моддий жиҳатдан бирмунча яхшироқ яшаш имкониятига эга бўлиши мумкин. Аммо буларнинг барчаси заҳар қўшилган ширинликка ўхшайди. Бу фақат вақтинчалик, мавсумий яхши ҳаёт бўлади. Бугунги кунгача кўплаб халқлар ва мамлакатлар буни бошидан кечирган. Улар йиллар давомида, балки ўнлаб йиллар давомида гуллаб-яшнаган эдилар, лекин кўз очиб юмгунча қашшоқлашиб, тиланчилик ҳолига тушиб қолишди. Бунинг учун Осиёнинг «йўлбарс» иқтисодларининг қулашини эсга олиш кифоя.

Лекин бунинг энг хавfli томони шундаки, одамлар орзиқиб кутган бу иқтисодий юксалиш Сурия халқининг ва бутун минтақанинг ўзлиги ва хавфсизлигига (ҳарбий, озиқ-овқат, ижтимоий, диний, маданий ва маърифий жиҳатдан) катта хавф туғдиради. Бу уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига ва сақофий келажигига ҳам таъсир қилади.

Агар бирор мамлакат ўз иқтисодини бошқа йирик давлат ёки катта иқтисодий низомнинг бир қисмига айлантурса, демак у ўзининг иқтисодий тақдирини бошқаларга боғлаб қўйган бўлади. Агар у иқтисод сақланиб турса, бунинг иқтисоди ҳам сақланиб туради, агар у қулса, бу давлатнинг иқтисоди ҳам биргаликка қулайди. Бу асосий ширкат банкрот бўлганда, тижорат филиалларининг ёпилиб қолганига ўхшайди.

Бундан ҳам хавfliси шундаки, агар йирик давлат ёки иқтисодий низом ишониб бўлмайдиган душман бўлса, у истаган вақтда ўзига қарам давлатнинг иқтисодини вайрон қилиб, уни доимий шантаж манбаига айлантириб олади. Яқин тарихда бунинг мисоллари жуда кўп.

Сурия учун қўшниси Ливан энг яқин мисолдир. Ливандаги Эрон партиясининг ҳукмронлигига барҳам бериш учун

АҚШнинг сиёсий қарори билан Ливан иқтисоди кўз очиб юмгунча қулади. Унинг валютаси 95 фоиз қийматини йўқотди ва одамларнинг аксарияти бир кечада қашшоққа айланди. Энди уларнинг барча сиёсатчилари: «Биз кириб қолган боши берк кўчадан чиқиш учун халқаро низом талабларига бўйсунимиз ва АҚШнинг қучоғида ўтиришимиз керак», дейишмоқда.

Бу мамлакат ўзининг иқтисодий калитини АҚШга топширгани учун шундай ҳолат содир бўлди. Ислом нуқтаи назаридан бу катта гуноҳ саналади. Чунки бу кофирларга муслмонлар устидан ҳукмронлик қилишга йўл очиб беришни англатади. Аллоҳ Таоло буни очиқ-ойдин ҳаром қилган:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

**«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»** [Нисо 141]

Давлатнинг қарор қабул қилиш эркинлигини йўқотиши ҳам ушбу иқтисодий қарамликнинг яна бир натижасидир. Мамлакат иқтисодини ўз қўлига олган хорижий куч (у шубҳасиз душман) билан алоқани узмаслик учун давлат уни рози қилишга ва унинг талабларини бажаришга ҳаракат қилади. Бу эса, давлатнинг суверенитети ва қарор қабул қилиш эркинлиги йўқлигини англатади.

Ҳеч кимга сир эмаски, қарзга ботган ёки йирик давлатлар ёрдамига қарам бўлиб қолган давлатлар ўша давлатларнинг талабларига бўйсунушга мажбур. Улар ҳатто ўша давлатнинг шахсий, ички масалаларига ҳам аралаша бошлайди, яъни унинг ўзига хос ички ишлари, таълим дастурлари, ахборот воситалари, қонунлари, халқининг турмуш тарзи, муқаддасотлари ва хавфсизлигига таъсир ўтказишади. Қолаверса, унинг иқтисоди, яъни қон томирини ҳам назорат остига олади.

Мисол учун, ҳозир биз Миср ва Иорданияга Трамп томонидан қандай босим ўтказилаётганини кўриб турибмиз. АҚШ уларга молиявий ёрдамни тўхтатиб, иқтисодини заифлаштириш билан таҳдид қилмоқда. Мақсад, бу давлатларни ғазо ва бутун босиб олинган Фаластин бўйича ўзининг сиёсатларини қўллаб-қувватлашга мажбурлашдир.

Шундай савол туғилади:

Бутунлай вайрон бўлган Сурия каби давлат иқтисодий тангликдан қандай қутулади? У бутунлай вайрон бўлган, ҳеч қандай инфратузилма қолмаган, асосий хизматлар кўрсатилмайди ва яшаш учун асосий эҳтиёжлар етишмайди. Хорижий сармоёга, халқаро ва минтақавий лойиҳаларга таянмаса, иқтисодини қандай тиклайди? Зарурий маблағларни қаердан олади?

Жавоб:

Бу масалани Суриянинг ўзидаги ички иқтисодий ресурслари ва имкониятларидан фойдаланиш орқали ҳал қилиш мумкин. Сурия бу масалани ҳал қилиш учун етарли салоҳиятга эга, аммо халқни адаштирувчи, умидларини чалғитувчи ёлғон фикрлар бу ҳақиқатни яшириб келмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг муваффақиятли ва самарали иқтисодининг иккита асосий элементи мавжуд:

1 – Табиий ресурслар – энергия манбалари, хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги ерлари, интеллектуал капитал ва илмий салоҳият, буларнинг барчаси Сурияда мавжуд.

2 – Иқтисодий низом – бу молиявий оқимлар ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлардир. У бойликни халқ ўртасида адолатли тақсимлаш механизмини йўлга қўйиши ва хусусий мулк, умумий мулки, давлат мулкани аниқ белгилаб, давлат ғазнасининг даромад манбалари ва харажат соҳаларини белгилаши лозим.

Бу иккинчи элемент – Сурия халқи ва бутун Умнатнинг энг катта бойлигидир. Бу Аллоҳ Таоло инсониятга марҳамат қилиб, уларнинг иқтисодий фаровонлиги учун қонун қилган кенг қамровли комил исломий иқтисодий низомдир.

Афсуски, бугун на Суриянинг янги раҳбарлари, на унинг иқтисоди ва уни тикланиши ҳақида ўйлаётганлар бу масалани эътибордан четда қолдирмоқда, ҳатто бу ҳақида ўйланиб ҳам кўрмаяпти. Аксинча, улар ҳеч қандай сиёсий онгсиз ва тафаккурсиз халқаро ҳамжамият, минтақавий низомлар ва Давос йиғилиши қучоғига ўзларини отмоқда. Улар ўша ердан даво излашмоқда, лекин бу ўлимга олиб келувчи заҳар эканлигини тушунишмаяпти.

Бунинг далили: Сурия ташқи ишлар вазири ҳеч иккиланмай давлат объектларини хусусийлаштириш ҳақида баёнот берди.

Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло баъзи мулкларни умумий мулк қилиб белгилаб, уларга шахслар эгалик қилишни ман қилган.

Баъзилар «Бу чоралар вақтинчалик, Сурия оёққа туриб олгандан кейин, Ислом иқтисодини маҳкам тутиб, ўз ҳурматини сақлаб қолади», дейишлари мумкин.

Аmmo энг оддий иқтисодчи ҳам бу сўзни жиддий қабул қилмайди. Чунки давлат иқтисодини жаҳон капиталистик тузумига боғлаш ҳеч қачон мустақилликка олиб келмайди, аксинча, ундан узоқлаштиради. Бу мамлакатни қарамлик ҳолатига олиб келади, ундан қутулиш – кейин хоҳласа ҳам – жуда қийин бўлади.

Агар бир кун келиб қарам бўлмаслик тўғрисида қарор қабул қилинса, бу бутун қурилган низомни йўқ қилиб, барчасини бошидан бошлашга мажбур қилади. Чунки мамлакат иқтисодини тўлиқ назорат қиладиган ташқи куч уни исталган вақтда йўқ қилиши мумкин. Бу қарам иқтисод хорижий молиявий илдизларга боғланган. Агар бу алоқа хорижий куч томонидан узилса, мамлакат иқтисодий инқирозга юз тутаяди. Шунинг учун бошиданоқ дунё бўйлаб капиталистик тузумга бўйсунмайдиган мустақил иқтисодни барпо этиш зарур.

Росулуллоҳ ﷺ Мадинага келганларида нима қилганларини эслайлик. У зот ﷺ шаҳарга кирганларида яҳудийлар бошқаруви остида бозор борлигини кўрдилар ва дарҳол муслмонлар учун янги, мустақил бозор қуриб, яҳудийларнинг муслмонлар иқтисоди устидан ҳукмронлик қилишини тўхтатдилар.

Глобал иқтисод билан алоқаларни бутунлай узишимиз керакми? Йўқ! Биз бу ерда бутун дунё билан тижорий ва иқтисодий алоқаларни бутунлай узишни таклиф қилаётганимиз йўқ. Бу ерда жуда катта фарқ бор:

1 – Ташқи иқтисодий алоқалар давлат мустақиллигини сақлайдиган тенг ҳуқуқли савдога асосланган бўлиши керак.

2 – Давлат ўз иқтисодини глобал ва минтақавий капиталистик тузумнинг бир қисмига айлантириб, ўз тақдирини бошқалар қўлига топшириб қўймаслиги керак.

Агар мустақиллик сақланмаса, давлат эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, глобал низом буйруғини бажарувчи субъектга айланиб қолади.

Тинчлик ҳолатидаги иқтисод билан уруш ҳолатидаги иқтисод ўртасидаги фарқ.

Энди мавзунинг яна бир муҳим ва хавfli томонига ўтсак. Бу тинчлик ҳолатидаги иқтисод билан уруш ҳолатидаги иқтисод ўртасидаги фарқ ҳақида. Уруш ҳолатидаги давлатнинг энг катта иқтисодий хатоси – иқтисоди ва инфратузилмасини тинчлик ва барқарор хавфсиз ҳолатдаги тараққиётга мос равишда қуришидир. Бу иккиси орасида жуда катта фарқ бор.

Сурия ва умум минтақа уруш ва қуролли можаролар минтақасига айланиб қолган. Биз хоҳлаймизми ёки йўқми, буни қабул қилишимиз керак.

Суриядаги золим режимнинг қулаши уруш тугашининг ва доимий тинчликнинг бошланишидир, деб ўйлаган киши адашади. У алданган ёки била туриб ватанга хиёнат қилаётган бўлади. Чунки Шом минтақасининг (Сурия, Фаластин, Ливан, Иордания) бир қисми яҳудийлар истилоси ва АҚШ ва Россиянинг ҳарбий назорати остида турибди.

Бундай шароитда Шом аҳли ва уларнинг атрофидаги муслмонларга жиҳод фарз бўлади. Чунки улар мустамлакачилар чизган сиёсий чегараларни инobatга олмай, босқинчиларга қарши курашишлари вожибдир.

Россия каби баъзи босқинчилар музокаралар йўли билан чиқиб кетиши мумкин. Аммо яҳудийларнинг босқини жангсиз тугамайди. Шундай экан, бу минтақада урушнинг давом этишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Шунинг учун бу давлатнинг иқтисоди уруш шароитига мос қурилиши керак. Чунки душман нафақат бу юртга яқин турибди, балки юртнинг ичига жойлашиб олган. Уруш ҳолатида иқтисод ва инфратузилма қандай бўлиши керак?

Уруш даври иқтисоди билан тинчлик даври иқтисоди ўртасидаги фарқни тушунадиган киши биладики, инфратузилма ва шаҳарсозлик нормалари ҳам ушбу шартларга жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилиши керак. Масалан:

1 – Кўп қаватли уйлар эмас, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш.

Душман баланд биноларни биргина ракета билан вайрон қилиши мумкин. Шунинг учун алоҳида, кичик ва якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши керак.

2 – Савдо марказлари эмас, кичик бозорлар қуриш.

Сўнгги ўн йилликда машҳур бўлган йирик савдо марказлари уруш даврида хавфлидир. Бунинг ўрнига доим ҳаракатда бўлган кичик бозорлар бўлиши керак.

3 – Катта электр станцияларининг ўрнига кичик генераторларни ишлатиш.

Душман марказий электр станцияларини бир зарба билан ишдан чиқариши мумкин. Бунинг ўрнига шаҳар ва туманларни кичик электр генераторлари билан таъминлаш керак.

4 – Катта кўприklar қуриш ўрнига муқобил транспорт тизимини жорий қилиш.

Душман катта кўприklarни вайрон қилиши ва алоқа тизимларини бузиши мумкин. Шунинг учун муқобил транспорт йўллари бўлиши керак.

5 – Заводлар ва ҳарбий саноат мажмуаларини ер устида эмас, остида қуриш.

Душман ҳаводан бомбардимон қилиш орқали саноат объектларини йўқ қилиши мумкин. Шунинг учун махсус ҳарбий объектлар тоғлар ичида ёки ер остида жойлашган бўлиши керак.

Ливан бир неча бор Исроил босқинига учради. Ҳар бир босқинда унинг шаҳарлари, инфратузилмаси ва иқтисодий ресурслари вайрон қилинди. Ҳар бир босқиндан кейин унинг раҳбарлари ёрдам сўрашга ва босқинчилар билан келишишга мажбур бўлди. Ниҳоят, Ливан ўз суверенитетини йўқотди. Бугунги кунда у халқаро назорат остида ва ҳатто яҳудийларнинг таъсири остида қолмоқда.

Бу Сурия учун жуда муҳим сабоқ бўлмоғи лозим. Иқтисод ва инфратузилма уруш ҳолатига мос равишда қурилиши лозим. Қарам бўлиб қолмаслик учун тартибли равишда иш бориш керак. Босқинчиларнинг таъсиридан қутилиш учун уруш стратегиясига мувофиқ яшаш керак.

Бугунги сиёсатга назар солган ҳар бир киши яхши биладики, Сурияда амалга оширилаётган иқтисодий тикланиш реал вазиятни ҳисобга олган лойиҳа эмас. Аксинча, бу режа сурияликлар учун эмас, балки ташқи кучлар манфаатлари учун ишлаб чиқилган.

АҚШ ва минтақавий режимлар ҳамда яҳудий вужуди томонидан тайёрланган иқтисодий лойиҳалар бутун минтақани қамраб олган катта стратегиянинг бир қисмидир.

Ушбу лойиҳа: босиб олинган Фаластин ерида ўрнатилган яҳудий вужудини иқтисодий жиҳатдан минтақага интеграциялаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, бу «тинчлик жараёни», «нормаллашиш», «Иброҳим келишувлари» каби лойиҳалар орқали яҳудийларнинг ишқолни қабул қилишга мажбурлаш режасининг давомидир. У янги минтақавий иқтисодий низомнинг асосини тузишга қаратилган.

Суриянинг янги раҳбарияти хорижий кучларнинг мамлакатни қайта қуриш ва сармоя киритиш режалари тузоғига тушиб қолса, икки оғир йўлдан бирини танлашга мажбур бўлади.

Биринчи йўл: Сурияда глобал ва минтақавий сармоячилар манфаатларига мос лойиҳаларни тузиш. Бу ҳолатда Суриянинг иқтисодий ва инфратузилма объектлари ( заводлар, фабрикалар, бинолар) душман зарбалари натижасида вайрон бўлиш хавфи остида қолади. Минтақада эртами-кечми, аниқ уруш бошланиши боис бу лойиҳалар бутунлай йўқ қилиниши мумкин. Бу Сурия халқи учун оғир иқтисодий, ижтимоий ва маънавий зарба бўлади.

Иккинчи ва энг хавфлиси шуки, бу давлат хавфсизликни афзал кўриб, ўзини, фуқаролик объектларини, иқтисодий низомдаги ўрнини сақлаб қолиш учун Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш бурчини тарк этиб, Американинг минтақадаги тинчлик лойиҳасига қўшилади ва яҳудий босқинчилари билан бирга яшашга рози бўлади. Бу – муносабатларни нормаллаштириш орқали бўладими ёки билвосита 1974 йилда имзоланган сулҳ битими доирасида бўладими, ҳеч фарқи йўқ – яҳудий вужудини расман тан олиш ҳисобланади. Бу Аллоҳга, Унинг Росулига, бутун Шом аҳлига (сурияликларга, фаластинликларга, ливанликларга), шунингдек бутун Умматга хиёнат бўлиб, бундан Аллоҳ сақласин.

### **Эй Сурия, Ливан ва Иорданиядаги Шом аҳли!**

Дарҳақиқат, буюк синов ва хавfli даврни бошингиздан кечирмоқдасиз! Сиз ўнлаб йиллар давомида мустамлакачилар, босқинчилар ва золимлардан қутулиш учун катта қурбонликлар бердингиз. Бироқ ҳозирда бу қурбонликларингиз Америка

сиёсий ўйинлари, глобал ва яҳудий сармоялари манфаатлари ҳамда «Иброҳим келишувлари» каби нормаллашув жараёнлари билан беҳуда кетиш хавфи остида қолмоқда. Асоссиз баҳоналар, нотўғри фатволар ҳамда кенг жамоатчилик, айниқса, раҳбарларнинг лоқайдлиги ушбу таҳликага йўл очмоқда. Бу хатардан кўзланган мақсад динингизни, номусингизни, юртингизни, кадр-қимматингизни йўқ қилишдир.

Масжидлардан такбир ва таҳлиллар билан бошланган, «Бу Аллоҳ учун! Аллоҳ учун! Ҳокимият ва шон-шухрат учун эмас!» «Бизнинг абадий йўлбошчимиз Муҳаммад ﷺ» шиори билан кўтарилган қўзғолоннинг Америка лойиҳасига ва яҳудийлар билан нормаллашувга рози бўлиш билан яқунланишини қабул қилиш мумкинми?!

### Эй Шом аҳли!

«Анфол» сурасининг қуйидаги оятларини чуқур тадаббур қилинг. Гўёки бу оятлар сизга нозил бўлгандек, сизнинг ҳозирги ҳолатингизни ва Уммат сифатидаги ўтмишда босиб ўтган йўлингизни тасвирлайди. Бу оятлар сизнинг энг яхши натижаларга эришишингиз учун нозил бўлган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ بِحَوْلِ بَيْنِ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَٰهٌ مُّحْتَشِرُونَ ﴿١﴾ وَأَنفُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنكُمْ خَاصَّةً وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿٢﴾ وَادْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُّسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَن يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَآوَاكُمْ وَأَيَّدَكُمْ بِبَصَرِهِ وَرَزَقَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٣﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمْنَتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤﴾ وَعَلِمُوا أَنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٥﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَتَّبِعُوا اللَّهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا وَيُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٦﴾﴾

**«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар. Ҳамда сизлардан**

**фақат золим кимсаларнинг ўзигагина етмай (балки барчага етадиган) балодан сақланингиз! Ва билиннгизки, албатта Аллоҳнинг азоби қаттиқдир. Ва сизлар ерда озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда сизларга жой бериб, Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз! Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга (яъни, динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга) хиёнат қилмангиз! Билиннгизки, албатта мол-дунёларингиз ва болачақангиз фақат бир фитна-алдовдир, холос. Ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридагина (яъни унинг амру фармонига итоат этишдагина) улуғ ажр-савоб бордир. Эй мўминлар, агар Аллоҳдан қўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур ва ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир»**

[Анфол 24-29] □

## ИСЛОМИЙ ЎЛКАЛАРДА ИСЛОМ ВА СЕКУЛЯРИЗМ ҲАҚИДА БУЮК ЁЛҒОН

Доктор Яҳё Ҳасан – Яман

Исломий ўлкалардаги қашшоқлик ва саводсизликнинг сабабчиси исломий гуруҳлар ва уламолардир, деган иддао сиёсий доиралар ва матбуотда кенг тарқалган энг катта ёлғонлардан биридир. Бу ёлғонни кўплаб зиёлилар ва журналистлар тарқатиб, исломий ҳаёт тарзини бузиб кўрсатишга ва бугунги қоронғи воқеликни оқлашга уринишмоқда. Улар «динни давлатдан ажратувчи секуляр тузум ягона ечимдир» деган тушунчани олға суришади. Бу ғояларни тарқатувчи кучлар, асосан, ҳозирги тузум ўзгаришини истамайдиган кучлардир.

Аmmo бу секулярлар билмасликка олиб, яширишга уринаётган ҳақиқат шуки, араб дунёсини юз йилдан ортиқ вақтдан бери секуляр режимлар бошқариб келмоқда. Туркиядан тортиб, Миср, Сурия, Ливан, Тунис, Марокаш, Судан, Яман ва Форс кўрфази давлатлари... барча-барчаси ўз сиёсатларида секуляр конституцияларни қабул қилганлар. Айрим давлатлар ўзларини оммага кўрсатиш учун исломий шиорларни кўтарса-да, аслида араб дунёсидаги режимларнинг барчаси фақат секуляризм асосида фаолият юритади. Бугунги кунда Уммат тақдирини ушбу режимлар ҳал қилмоқда.

Аслида араб ёки Ислом дунёсида тўлиқ шариат қонунлари билан бошқариладиган бирорта ҳам давлат йўқ. «Ечим – Исломда» деган шиорларни кўтарганлар ҳам ундан узоқлашиб кетган. Бу давлатлар шариат ўрнига ғарбнинг секуляр қонунларини қабул қилган. Бу эса, коррупция, қашшоқлик ва саводсизликни кучайтиришдан бошқа ҳеч нарса келтирмади. Ҳукмдорлар эса Уммат бойликларини ўз манфаатлари йўлида ҳамда уларни ҳокимиятда тутиб турган ғарбнинг манфаатлари йўлида ишлатмоқда.

Исломни бошқарувга яроқсизликда айблаётганлар ва «секуляризм ягона ечимдир» деб ўйлайдиганлар қуйидаги ҳақиқатни идрок қилолмайди: агар Ислом бир давлатда тўлиқ татбиқ этилса, ўша давлатга адолат ва фаровонлик олиб келади. Ислом – бу шунчаки индивидуал ибодатлар мажмуаси эмас, балки у сиёсат, иқтисод ва жамиятни қамраб олган яхлит ҳаёт низомидир. Мусулмон мамлакатларидаги ҳукмдорлар

муваффақиятсизликка учраган бўлса, бу Ислом тўфайли эмас, балки ўзларининг бузуқликлари ва халқларни назорат қилиб, бойликларини сўмираётган мустамлакачи тузумга бўйсуниллари тўфайлидир. Мусулмонлар бугун бошидан кечираётган вазият секуляр тузумнинг бевосита натижасидир. У таълим, иқтисод сиёсат ва барча соҳаларда Умматни орқага тортиди.

Бугунги кунда шариатни тўлиқ татбиқ этаётган Ислом давлатининг йўқлиги бунга далилдир. Ислом инсон ҳуқуқларини кафолатлайдиган ҳақиқий диндир. Халифалик давлати Ислом динини тўлиқ татбиқ этган даврда давлат чинакам гуллаб-яшнади ва адолат қарор топди.

«Ислом бошқарувида муваффақият қозона олмади» деган гап асоссиз бўлиб, бутунлай рад этилади. Агар биз бошқарувдаги ҳақиқий муваффақиятсизликни кўрмоқчи бўлсак, бугунги кунда араб ўлкаларини бошқараётган секуляр режимларга назар ташлайлик. Бу режимлар кўпинча халқ манфаатларидан кўра шахслар ва гуруҳлар манфаатларига хизмат қилувчи воситага айланиб қолди. Улар Исломдаги адолат тушунчасини қабул қилишмайди ҳамда халқ фаровонлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилишмайди. Аксинча, бу режимлар шариатга асосланган адолатли давлат қуриш ўрнига зўравонлик ва коррупцияни танлаган.

Ниҳоят, ушбу нотўғри фикрни тарқатганларга айтар сўзимиз:

Сиз Умматни алдаяпсиз! Бугунги кундаги муваффақиятсизликларга Исломнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мусулмонлар ҳеч қачон секуляризмга ва капитализмга муҳтож бўлган эмас. Аксинча, улар Исломнинг ҳақиқий маънода, сиёсий ўйинлардан узоқ, исломий қадриятлар бузиб кўрсатилмаган ҳолда татбиқ қилинишига муҳтож. Агар мусулмонлар чин кўнгилдан ихлос ва қатъият билан Исломга қайтсалар, Уммат тўғри йўлини топиб, тараққиёт ва фаровонликка эришади.

Шунинг учун мен бу ёлғонларни тарқатаётганларга мурожаат қилмоқчиман:

Шариат қонунларини тўлиқ татбиқ қилиб, бироқ адолатга қовушмаган ва равнақ топмаган бирорта исломий давлатни кўрсата оласизми? Сиздан жавоб кутиб қоламиз! Лекин ҳақиқат шуки, Ислом тўғри татбиқ этилса, албатта у адолат

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир ўрнатади ва бутун дунёга эзгуликни ёяди. Ислом давлати ўн уч аср ҳукм суриб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аллоҳ хоҳласа тез орада Росулulloҳ ﷺ бизга башорат қилган Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик давлати қайта тикланади. Бизни қаттиққўллик ва зулм билан бошқараётган бу секуляр фикрлардан қутилиш вақти келди.

Аллоҳ Таоло бизларни ҳақ йўлда мустаҳкам қилсин ва ўша кунни яқинлаштирсин! □

## СУРИЯ РЕЖИМИ, СЕКУЛЯРИЗМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ, ЎЗГАРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ТЎҒРИ ЙЎЛДАГИ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ ТИКЛАШ

Аҳмад Маоз – Сурия

Сурияда бузғунчи режимнинг қулаши Уммат тарихида муҳим воқеа бўлиб, Аллоҳ Таоло ҳар доим мазлумлар билан бирга эканлигини тасдиқлади. Бу воқеа мусулмонларнинг қўзғолони ўлмаганини ва Уммат фарзандлари кўтариб чиққан, Исломни ҳаётга қайтариш ва уни дунёга ёйиш лойиҳаси тўхтаб қолмаганини исботлади. Ушбу лойиҳанинг кенгайишини тўхтатиш ва унинг алангасини ўчириш учун доимий саъй-ҳаракатлар олиб борилганига қарамай, Ислом ва моддий капиталистик мафкура ўртасидаги сақофий кураш давом этмоқда. Сурия бу курашда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у Шом минтақасининг қалби ҳисобланади.

Сурияда сўнги йилларда юз берган кураш Ислом давлатини қайта тиклашга интилаётган Уммат фарзандлари билан АҚШ бошчилигидаги глобал капиталистик мустамлакачи кучлар ўртасидаги сақофий курашни акс эттиради. Албатта, бу тузумнинг қулаши Аллоҳ Таолонинг мусулмонларга берган катта ёрдамидир. Улар бу йўлда душманлари ва сохта дўстларининг қаттиқ босимига дуч келишди.

Ўн тўрт йиллик ҳайратга солувчи қатъият ортидан курашнинг ҳал қилувчи босқичи Эроннинг Суриядаги таъсирини тўсатдан ва шармандали тарзда йўқотиши, шунингдек, Ливандаги Эронга боғлиқ партия (Ҳизбуллоҳ)нинг уруш саҳнасидан олиб ташланиши билан яқунланди. Эрон ва унинг партияси Умматнинг исломий бошқарувни тиклаш ва давлатини барпо этиш лойиҳасининг асосий муҳолифларидан ва унга қарши курашувчи қуролларида эди.

Муборак Шом қўзғолонига қарши курашнинг асосий ҳарбий қуроллариининг йўқ қилиниши минтақага катта таъсир кўрсатади. Суриядаги қўзғолоннинг асосий мақсади режимни афдариб, унинг ўрнига Халифаликни барпо этиш бўлгани учун бу ғоя дунёнинг турли нуқталаридаги кучларнинг уйқусини бузди. Буюк давлатлар бунинг олдини олиш учун қўлларидан келган барча ишни қилдилар ва уни ҳарбий йўл билан бостиришга ҳаракат қилиб, бу йўлда энг жирканч усуллардан

фойдаланишди. Улар орасида мазҳаблараро низоларнинг кучайиши катта рол ўйнади.

Шунингдек, сиёсий жиҳатдан АҚШ билан ҳамнафас бўлган Туркия режими ҳам катта рол ўйнади. У Суриядаги қўзғолонни назорат қилиш ва унинг халқаро кучлар иродасига қарши чиқишига йўл қўймаслик учун Америка кўрсатмасига биноан ҳаракат олиб борди. Бундан мақсад, Сурияда секуляризмнинг емирилишини олдини олиш эди. Эроннинг ҳарбий ҳаракатлари муваффақиятсизликка учрагач, турк режими алдамчилик ва айёрлик билан бу вазифани ўз зиммасига олди.

Қуrolсизланган ҳудудлар ва халқаро конференцияларнинг қарорлари Шом қўзғолонининг барбод бўлишига катта таъсир кўрсатди. 2016 йилда Эрон ва Россия Ҳалабни назорат остига олди. Сўнгра Ғута, Хомс ва Даръа минтақалари, 2019 йил охирига келиб Хама шимоли ва Идлиб шарқидаги ҳудудлар ҳам қўлдан кетди. Бу воқеалар билан бирга турли жиноятлар, қирғинлар содир этилди. Улардан баъзилари Сидней қамоқхонасидаги воқеаларда ўз аксини топди.

Кейинроқ Путин, агар дўсти Эрдоганнинг ёрдами бўлмаганида, Ҳалабни қайтариб олишнинг имкони йўқлигини тан олди. Бунини сўз ва ёзма маълумотлардан ҳам ростгўй бўлган воқеликнинг ўзи кўрсатиб турибди. Эрдоган сўнги дақиқаларгача, ҳатто «Ҳужумни тўхтатиш» амалиёти бошланишидан олдин ҳам одамларни Туркияга чақириб, Суриядаги секуляр режимни сақлаб қолиш кафолати бўлган 2254 резолюцияни амалга оширишга ундади.

«Ҳужумни тўхтатиш» амалиёти қўзғолон халқ қалбидан қанчалик мустаҳкам жой олганини кўрсатди. Мужоҳидлар эскириб қолган режим қолдиқларини вайрон қилдилар ва бу уруш охир-оқибат бузуқ режимнинг қулаши ва ўн йиллик зулм ва жиноятларнинг йўқ бўлиб кетиши билан якун топди. Кўпчилик бу урушнинг натижалари кутилганидан ҳам каттароқ бўлганини айтишди. Бу Аллоҳнинг инояти ва ҳақиқий муҳожир ва мужоҳидлар жасоратининг баракасидир.

Бироқ Туркия режими Суриядаги секуляр режимнинг давом этишидан манфаатдор. У Дамашқдаги янги раҳбариятга ҳар турли маслаҳат ва кўрсатмалар бериб, Исломга интилган мужоҳидларни ва Суриядаги Халифалик лойиҳасини бостиришга ҳаракат қилмоқда. Халифалик лойиҳаси

Америкадаги қарор қабул қилувчи доираларга жиддий таҳдид туғдиради. Чунки у Сурия халқи орасида кенг қўллаб-қувватланиб, қўзғолончилар ва мужоҳидлар орасида машҳур бўлиб қолди. Шу сабабдан Туркия режими ўз қуроллари ёрдамида бу лойиҳани муваффақиятли амалга ошишига тўсқинлик қилиб, унга даъват қилаётганларни тазйиқ остига олмоқда.

Бугунги кунда Америка Сурияда «турк модели» деб аталган нарсадан қайта фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу стратегия ахборот воситаларининг ташвиқоти ва манипуляцияси билан бирга араб давлатлари, айниқса Форс кўрфази мамлакатлари ва Миср билан яқиндан мувофиқлаштирилмоқда. Бу режадан мақсад Аллоҳнинг ҳукмронлигини ўрнатиш ва Унинг розилигига эришиш учун қаттиқ курашаётган Сурия халқини шаъни ва қадр-қимматининг асоси бўлган исломий бошқарувдан узоқлаштиришдир.

Охириги йигирма йил давомида Ислом оламига татбиқ этилган «Турк модели» халқаро манфаатлар ва глобал тизимга хизмат қилувчи намунага айланди. Ҳозир у Сурияда такрорланиб, демократик фуқаролик ҳукуматини тузиш ва «юмшоқ секуляризм»ни ўрнатишга ҳаракат олиб борилмоқда. Мақсад – Америка дастагидан баҳраманд бўлган, шубҳали ролларни ўйнаган ва турли сиёсий вазиятларда ўз позициясини ўзгартириб, шариатга зид қадамлар ташлаган шахсларни ҳокимиятга олиб келишдир. Бу одамлар Сурия қўзғолончиларига ва мужоҳидларга қарши кўплаб жиноятлар содир этиш имкониятига эгадир.

Шунинг учун Америка Сурияда исломий бошқарув ўрнатилиши ва Халифаликнинг қайта тикланишига йўл қўймаслик учун ҳар томонлама босим ўтказмоқда. Бу стратегия Туркия режими ва араб давлатлари ўртасида вақтинчалик дипломатик ва матбуот тўқнашувларини келтириб чиқариш билан бирга, Суриянинг амалдаги раҳбариятини расман тан олиниши ва БМТ аъзолигига қайтишига йўл очишини ўз ичига олади.

Исломнинг ҳокимиятга қайтишини кечиктириш борасидаги минтақа давлатлари ва халқаро тузумнинг ҳийлалари, Аллоҳнинг изни билан уларнинг ўзларига қайтади. Чунки биз капиталистик тузум ўз-ўзини емириб, йўқ бўлиб кетиш

арафасида турганлигини жуда яхши биламиз. Муҳаққақ натижа ҳалокатли қулашдир.

Ҳозирги мусулмонлар юз йил аввалги мусулмонлар эмас. Замонавий даврнинг асосий хусусияти – онгнинг ўсишидир. Айнан мана шу онг Ғарбнинг ўнлаб йиллар давомида режалаштирган лойиҳаларини бир неча йил ичида йўқ қилди. Шом аҳлининг собит позицияси «қаршилиқ» ва «алдаш» блокларини фош қилганидек, унинг ортидаги барча ботил тушунчаларни ҳам йўқ қилишда давом этади.

Қўзғолонлар «тарихий оқимлар»ни йўқ қилгандан сўнг, Умматнинг сиёсий онги ўсиб бориши билан бирга юксак даражага эришди. Бу онгнинг қаршисида ҳар қандай хоинлар ҳам, ёлғончилар ҳам дош беролмайди. Зеро, тараққиёт тўғри тамойил, мустаҳкам пойдевор ва мустаҳкам базага таянмаса, ўзгариш шамоллари уни осонликча йўқ қилиши мумкин. Турк моделини кўчириб олмоқчи бўлганлар томонидан мақталган сохта «ривожланиш кўринишлари» ва сохта фактлар ҳақиқатга зид бўлиб, тез орада ўз қурувчиларининг бошига қулаб тушади.

Сурия масаласини таҳлил қилиб, унга алоқадор кучларни кўриб чиқар эканмиз, яҳудий вужудининг ролини унутмаслигимиз керак. Мусулмонлар ўз аҳволларини ўзгартириб, секуляр диктатуранинг қоронғи давридан чиқишга ҳаракат қилаётган бир пайтда, Форс кўрфази давлатлари, хусусан Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш лойиҳасини амалга оширмоқда. Улар бу жараёни бор имкониятлари билан ёйишга ва яҳудий вужудини минтақага сингдириб юборишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бироқ, бу ҳаракатлар муваффақиятга эришмайди, чунки яҳудийларнинг менталитети ўз-ўзини йўқ қилишга олиб келади. Мусулмонлар учун муқаддас Фаластин замини диний масала ҳисобланади. У Қуръон орқали Уммат онгига мустаҳкам ўрнашиб қолган ва уни тарк этиш жоиз эмас.

Шунга қарамай, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср ва Иордания нормаллашув жараёни билан машғул бўлиб, Асад режими қулагандан кейин Сурияни ҳам шу томонга тортишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, бутун Уммат яҳудий вужудини қабул қилишдан бош тортиб, уни йўқ

қилиниши керак бўлган босқинчи саратон ўсимтаси деб билади.

Айни пайтда араб давлатларининг хоин ҳукмдорлари бу босқинчи билан очиқ ҳамкорлик қилмоқда. Буни кўрган баъзи муслмонлар Эрон режими ўйнаётган «қаршилиқ» образидан таъсирланиши мумкин. Бироқ Шомдаги муборак қўзғолон Эроннинг башарасини очиб ташлаб, уни Уммат онгидан сиқиб чиқарди. Шунингдек, «Ақсо тўфони» Эроннинг сохта шиор ва ниқобларини яна бир бор фош қилди.

Араб давлатлари ва Туркиянинг Сурияда секуляризмни сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатлари Америка ва яҳудий вужуди назоратидаги кейинги босқичнинг асосий характеристикаси ҳисобланади. Бу саъй-ҳаракатлар Шомдаги қўзғолоннинг асосий тамойилларини йўқ қилиш, уни парчалаш ва минтақа давлатлари билан муроса қилиш орқали «барқарорлик»ни таъминлашга қаратилган. Бу ҳаракат «давлатни қайта қуриш» баҳонасида уни минтақавий кучлар сиёсатига мослаштириш ҳамда яҳудий вужуди ва халқаро низом барқарорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Ислом Уммати қалбларида ҳақиқий ўзгаришларни амалга ошириш истаги кучайиб, Сайкс-Пико чегараларини йўқ қилиш, Умматни Аллоҳнинг, Росули ﷺнинг ва мўминларнинг иродасига кўра бирлаштиришни мақсад қилмоқда. Бу Сурияда илгари суриляётган яширин мақсадлардан биридир. Чунки бу ҳаракатлар Уммат онгига катта руҳий таъсир кўрсатади. Суриядаги қўзғолоннинг ғалабаси ва золим тузумнинг қулаши Ислом оламига шодлик бахш этди. Барча муслмонлар Сурия халқининг хоин ҳукмдорлар томонидан вайрон қилинган нарсаларни қайта тикловчилардан бўлишини ва Суриянинг Ислом Уммати секуляр ва миллатчи золим режимлардан қутулиб, ўз ҳазоратини қайта тиклаш учун бошланғич нуқта бўлишини истади.

Шом тарих давомида Исломни йўқ қилишга қаратилган ҳужумларга қаршилиқ кўрсатиши билан машҳурдир. У Умматнинг қалқони бўлиб, ҳар доим вайроналардан қайта тикланиб, фидойилик кўрсатиб, тарихни тўғри йўналишга буриб келди. Сурия доимо сақофатлар чорраҳасида бўлиб, ҳозирда

тарихий қарор қабул қиладиган босқичда турибди. У ё шариатни йўл кўрсатувчи чироқ сифатида ҳаётга қайтаради ва бу билан Умматни уйғотиб, онгли курашга етаклайди ҳамда ўнлаб йиллар давом этиб келаётган золим диктатор режимни ағдаради, ёки навбатдаги муваффақиятсизлик сифатида аввалги муваффақиятсиз ҳаракатлар сафига қўшилади.

Лекин бизга маълумки, Шом Исломнинг марказидир. Шундай экан, Шом аҳли, хусусан, мужоҳидлар Аллоҳнинг амрида собит туриб, ҳеч қандай манфаат ва васвасаларга берилмасдан, ишларнинг келажакдаги оқибатларидан хабардор бўлиб курашни давом эттиришлари керак. Шом яна мўминлар маркази, ғуна эса мужоҳидларнинг отлари боғланадиган жой бўлмагунча бу кураш тўхтамайди. Чунки Пайғамбарлик минҳожи асосида барпо этиладиган рошид Халифаликдан бошқа ҳеч қандай куч Фаластинни ва Масжид-ул-Ақсо ҳудудини озод қилиб, уни Умматга қайтара олмайди. Бас, амал қилгувчилар мана шундай (мангу бахт саодат) учун амал қилсинлар! □

## КОММУНИЗМ ЎЗ ДАВЛАТИНИ ҚУРА ОЛАДИ-Ю, ИСЛОМ УММАТИ ҚУРА ОЛМАЙДИМИ?!

М. Висам Атраш – Тунис

Фикри тиниқ, табиати соф инсон учун ўн беш ойдан бери тинимсиз уруш давом этаётгани ва Ҳазода қотиллик машинаси кечаю кундуз бегуноҳ одамларга қарши жиноят содир этаётгани тушунарсиз бўлиб туюлиши мумкин. Ҳар лаҳзада содир бўлаётган юракни маҳзун қилувчи воқеаларни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Узоқ давом этган қўрқинчли туш каби, гўё ҳар бир қирғин қон билан ёзилган янги ўлим хабарини эълон қилаётгандай. Сочилиб кетган таналарни кўравериб, кўзи ўрганиб қолган баъзи кишилар эса, заифларни ҳимоя қилиш бурчидан қочиб, сукут сақламоқда. Айниқса, бу ҳудудни ўраб турган армиялар етакчиларини мустамлакачиларнинг вакиллари шарманда ва хор ҳолатида ушлаб турмоқчи кўринади. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло етти қават осмон устидан шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِن أَسْتَنْصِرُكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمْ النَّصْرُ﴾

**«Агар сиздан дин йўлида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг бурчингиздир»** [Анфол 72]

Қалбларидаги иймон туфайли уларнинг ор-номусини уйғотишни умид қиламизми ёки тирик бўлсаларда уларга аза тутишимиз керакми? Уларнинг энг яхшилари ҳам жанг майдонидан қочиб, босқинчилар билан муромага келганга ўхшайди. Уларнинг аҳволи Ҳазодаги биродарларига: «Олдингизда денгиз, орқангизда душман турибди» деяётгандек. Булар билан Салоҳиддин (роҳимаҳуллоҳ) қилган ишлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Атиги 40 км узунликдаги кичкинагина Ғарбий қирғоқ минтақаси бутун Исломга қарши олиб борилаётган глобал урушнинг марказига айланди. Бу урушда энг кучли қуроқлар, ҳарбий кемалар ва самолётлардан ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланган дронлардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, бу урушда энг кучли разведка идоралари «памперс» кийган аскарларга ёрдам бериб, уларни танклар билан олға юришга ундамоқда. Масжидларни бомбардимон қилиш, минбарларни оёқ ости қилиш, Қуръонларни ёқиш, Ақсо масжидини таҳқирлаш – булар

«цивилизациялар тўқнашуви»нинг бир қисми, холос. Фашизм ва нацизмдан ҳам ўтиб кетган бу воқеалар ҳозирги «маданиятли» капиталистик дунёнинг асл башарасини очиб бермоқда.

Ислом Уммати бугун нафақат ўз бурчини олдида турибди, балки ўзининг ҳақиқий ҳолатини худди ойнага қарагандек кўриб турибди. У Ислом аҳкомларидан узоқлашганлиги сабабли бошига тушган қийинчилик, заифлик, шармандалик ва таназзул даражасини аниқ кўриб, билиб турибди. Бу ҳолатнинг сабаби исломий бошқарув низомининг бекор қилинганлигидир. Натижада Уммат ўз аскарларининг жанг майдонидан узоқлаштирилиб, чиқинди тозалаш ва сабзавот сотишга юборилишига рози бўлиб қолди. Ҳарбий тайёргарликлар фақат машғулотлар билан чекланиб қолди.

Аллоҳ Таоло Исломнинг ўрқачи (жиҳод) орқали улуғлаган бу Уммат золим ҳукмдорларнинг ҳукмронлигига бўйсуниб, ўз ерига ёпишиб олишига қандай рози бўла олади? Аллоҳ Таоло айтади:

﴿التَّارِ ذَاتِ الْوَقُودِ ﴿۱﴾ إِذْ هُمْ عَلَيْهَا قُعُودٌ ﴿۲﴾ وَهُمْ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ ﴿۳﴾ وَمَا نَقَمُوا مِنْهُمْ إِلَّا أَن يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ ﴿۴﴾﴾

**«Ўшанда улар ўша (чоҳ)нинг устида ўтириб олган ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар. Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар қудрат ва мақтов эгаси бўлган Аллоҳга — осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар!»** [Буруж 5-8]

Бу ҳолат «инсоният учун чиқарилган энг яхши уммат»га мос келадими? Ибн Аббосдан رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай марҳамат қилдилар:

﴿الْإِسْلَامُ وَالسُّلْطَانُ أَخَوَانِ تَوَآمَانِ، لَا يَصْلِحُ أَحَدُهُمَا بِدُونِ الْآخَرَ، فَإِلَاسْلَامٌ أَسٌّ وَالسُّلْطَانُ حَارِسٌ، فَمَا لَا أَسٍّ لَهُ يَنْهَدِمُ وَمَا لَا حَارِسٍ لَهُ يَضِيعُ﴾

«Ислом ва султон (Халифа) эгизак ака-укалардир. Бири бирисиз ислоҳ бўлмайди. Бас, Ислом асос бўлса, султон посбондир. Асоси бўлмаган нарса вайрон бўлади, қўриқчиси бўлмаган нарса зое кетади». (Дайламий ривояти).

Хўш, қандай қилиб бу фожиадан ва барча муаммолардан қутулиб, нажот йўлини топамиз? Куфр кучлари атрофимизни қуршаб олиб, малай режимларнинг кишанлари билан қўлларимизни кишанлаб қўйди? Бу малай режимлар уларнинг номидан Ислом юртларида яҳудий вужудини ва унинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда, ҳатто улар Уммат ва унинг динини йўқ қилиш учун ризқимизни, керак бўлса, бўйнимизни кесиш ташлашга ҳам тайёрдир.

### Тубдан ўзгартириш ҳақида жиддий фикрлаш

Даҳшатли фожиалар энг бардошли кишиларни ҳам ҳайратга солиб қўйди, сон-саноқсиз саволлар умид нури излаётган Уммат фарзандларининг бошини қотирмоқда. Урушнинг қоп-қора булутлари қоплаб олган, ўлимнинг бадбўй ҳиди ёйилиб, гўё ночорлик тақдиримизга ёзиб қўйилгандек. Бироқ, ҳали сўнмаган, Уммат юрагида томир сингари аста-секин уриб турган умид бор. У исломий ҳаётни қайта бошлаш учун қулай фурсат кутаётган умиддир. Унда Ислом узоқ айрилиқдан сўнг ўз салтанатига қовушади ва дин ўзининг аввалги азизлигини қайта тиклайди. Бу кун келганда, ҳатто ваҳимачилар ва ёрдамсиз ташлаб қўйганлар ҳам Аллоҳ Таоло бандаларига, гарчи кейинроқ бўлса-да, албатта нусрат беришини, ғалаба иймон ва сабр билан келишини, пировардида оқибат-натива тақводорлар учун эканини билиб олади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿تِلْكَ مِنْ أَتْبَاءِ الْعَيْبِ نُوحِيهَا إِلَيْكَ مَا كُنْتَ تَعْلَمُهَا أَنْتَ وَلَا قَوْمُكَ مِنْ قَبْلِ هَذَا فَاصْبِرْ  
إِنَّ الْعَقِبَةَ لِلْمُتَّقِينَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), булар Биз сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. Илгари буларни на сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас (ҳақ динга даъват қилишда кофирларнинг етказайтган озорларига) сабр қилинг. Албатта, оқибат-натива Аллоҳдан қўрқувчи кишиларникидир»** [Худ 49]

Бу Худ сурасидаги Аллоҳнинг каломидир. Бу сура ҳақида Росулulloҳ ﷺ: **«Худ сураси ва унинг биродарлари мени қаритди»**, дедилар. Бинобарин, мусибатлар бўрони қўзғалиб, тунлар зулмати кучайганда, ёруғлик шам каби келиб, қоронғиликнинг бир қисмини тарқатиб юборади ва «Ҳар бир қоронғи кечанинг ортида ёруғ тонг бор», дея қулоққа оҳиста шивирлайди. Ҳақиқий мўмин ҳеч қачон умидсизликка

тушмайди, чунки у умид ва ўзгартириш уруғини қалбида олиб юради. Қийинчилик ва қайғу-алам қанчалик оғир бўлмасин, у Аллоҳнинг ёрдами билан тез орада тарқалиб, енгилликка йўл очилишига ишонади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَالَ وَمَنْ يَقْنَطْ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّونَ﴾

**«У деди: «Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар»** [Ҳижр 56]

﴿وَلَا تَأْيِسُوا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِنَّهُ لَا يَأْيِسُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ﴾

**«Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур»** [Юсуф 87]

Бинобарин, иймон тарозига қўйилганда масала ҳал бўлади ва бунга ҳеч шубҳа йўқ. Чунки ғалаба ва устуворлик Исломга тегишли эканлигини кўрсатадиган жуда кўп оят ва ҳадислар мавжуд.

Ислом душманлари Умматнинг ғалабасини кечиктиришни ҳамда Уммат тафаккурини фалаж қиладиган ва тўғри уйғониш ҳаракатларига тўсиқ қўядиган чекиниш пайдо қилишни хоҳламоқда. Бу Умматнинг иймон ва эътиқодидан келиб чиққан руҳий фикрий юксалишига тўсқинлик қилишга уринишдир. Бироқ ғазодаги уруш сабабли юзага келган қаттиқ силкиниш муқоррар равишда Умматда муштарак туйғуни пайдо қилди. Яъни ғазода бўлсин, ёки бошқа Ислом ўлкаларида бўлсин, бундай фожиалар ҳеч қачон такрорланмаслиги учун Уммат орасида тубдан ўзгартириш ва мустамлака зулмидан бира тўла қутулиш ҳақида муштарак туйғу пайдо бўлди.

Қалбида Исломий мафкура мустаҳкам ўрнашган ва ҳар бир ҳаракатини онг ва идрок билан амалга ошираётган инсонларнинг ҳамда исломий ҳаёт тарзини ер юзида қайта тиклашни мақсад қилган кишиларнинг вазифаси атрофдагиларни уйғотиш ва уларни илҳомлантиришдир. Улар одамларнинг онгини ўстиришлари, тушунчаларини тиниқлаштиришлари, уларга исломий ҳаётни қайта бошлаш ва Масжидул Ақсони яҳудийларнинг ифлослигидан тозалаш йўлини ёритиб беришлари лозим. Бу оғир синовдан ўтгандан сўнг одамлар қалбида қайта умид туғилади, шубҳали ва қўрқоқлар эса, исломий фикрат ва ўша фикрат жинсидан

бўлган тариқат ҳақида шубҳага йўл топа олмай қолади. Чунки бу улуғ вазифани ўз зиммасига олган онгли гуруҳ ва етакчи ҳизбни қаттиқ танқид қилиб, армиянинг самимий раҳбарлари билан ҳизб ўртасида низо солмоқчи бўлганлар, аслида бутун Умматни ночор ҳолда қолишини, Исломнинг жонланиши ва яна қайта юксакликка кўтарилишининг олдини олишни мақсад қилган кимсалардир.

Бироқ Аллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси энг қийин пайтларда, энг катта синовларда келишига бизнинг ишончимиз комил.

Ўзгартиришлар ҳақида жиддий фикр юритиш масаласига келсак, Уммат ичидаги нуфуз ва қудрат эгаларининг – айниқса, ҳарбийларнинг – Ислом ва мусулмонларга ёрдам бермаётгани ажабланарли. Бу масала онгимизни уйғотадиган, Умматни маънавий ва фикрий қулликдан қутқарувчи ечимларни излаш зарурлигига етаклайдиган саволларни туғдиради. Бунинг сабаби шундаки, капитализм ҳукмронлиги ва демократиянинг ёлғон шиорлари устига қурилган сиёсий низомлар бизни ўлим тўшагида ётган хасталарга айлантирди. Ғарб мустамлакачилари қурган сунъий чегаралар ичида бўғилмоқдамиз.

Бу эса бизни ғазодаги уруш ва Ислом оламида кенг тарқалган мафкуравий ҳужум фонидида бир қанча чуқур саволлар беришга ундамоқда. Улар орасида энг диққатга сазовор ва махсус танлаб олингани қуйидагича:

Агар коммунистик ғоя Совет Иттифоқининг пойдеворини қўйиб, уни ўнлаб йиллар давомида дунёдаги энг қудратли давлатга қарши туришга олиб келган бўлса, нега мусулмонлар ўз воқелигини ўзгартириб, Ислом мабдасига асосланган давлат барпо эта олмаяпти? Нега улар Америкага ва унинг минтақадаги режимларига қарши тура олмаяптилар?

### **Болшевиклар инқилоби: коммунистик давлат қуриш йўли**

Ўтган асрнинг бошларида Россиянинг қишлоқ хўжалигига асосланган жамиятда марксистик ғоя пайдо бўлди. 1917-1939 йиллар оралиғида давлат коммунистик ва социалистик ғояларни ўзига асос сифатида қабул қилиб, мамлакатни жаҳоннинг буюк давлатларидан бирига айлантирди. Бу ғоя немис файласуфи Карл Маркснинг ақлига келган оддий фалсафий фикрдан бошланди. У ўзининг атеистик ғояларини ижод қилиб, олам оддийгина моддадан иборат, уни ривожлантирувчи омил эса моддий эволюция, деб тушунтирди.

Маркснинг назарида бутун коинот, инсон ва ҳаётнинг Яратувчиси билан алоқаси йўқ эди.

Маркс ўзининг иқтисодий назарияси ва жамият ҳақидаги қарашларини шу асосда қурди. Шундай қилиб, бу ғоя ҳаёт, жамият ва давлат учун бутун бир тузумга айланди. Аммо унда интеллектуал заифлик, концептуал бузилишлар ва услубий зиддиятлар мавжуд эди. Табиат қонунларига зид бўлган кайфияти эса уни жамиятга яроқсиз қилиб қўйди. Шунга қарамай, бу ғоя давлатнинг пойдевори бўлиб, бошқа халқларга ёйилиши учун унга цивилизация лойиҳаси сифатида қаралди.

1848 йилда Карл Маркс ва унинг ҳамкори Фридрих Энгелс «Коммунистик манифест» номли асарини нашр этишди. Унда синфий кураш ва капитализм муаммолари таҳлил қилинган эди. Бу китоб ўз даврининг энг таъсирли асарларидан бири бўлиб, Совет Иттифоқини ташкил этган коммунистик ҳаракатнинг ғоявий йўналишини белгилаб берган эди. Лениннинг айтишича, бу асар марксистик назария ёки «илмий социализм» тушунчаларини энг аниқ шаклда баён қилган нашрлардан биридир.

Маркс 1883 йилда вафот этди. Унинг тириклиги чоғида ғояларига асосланган давлат тикланмади. Коммунистик ғоялар XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб тарқала бошлади. Маркс ҳаётлигида ўз ғоясини Париж, Брюссел ва Лондонга олиб борган бўлса-да, бироқ бу асрда бу ғоялар асосида ҳеч қандай инқилоб бўлмади ҳамда ҳеч бир тараф бу лойиҳани қабул қилмади. Айниқса, Маркс бу лойиҳанинг ўзаги бўлишини кутган илғор капиталистик мамлакатларда ҳам ҳеч ким уни қабул қилмади. Чунки бу мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучлар капитализмнинг вақти-вақти билан такрорланиб турадиган инқирозлар шароитида ривожланган эди ҳамда ишчилар синфи сезиларли даражада катта эди.

Шунга қарамай, тарихий ҳақиқат биринчи муваффақиятли коммунистик инқилоб кутилмаган мамлакатда содир бўлганлигини кўрсатди. 1905 йилда чор Россиясида инқилоб бўлди, бироқ у муваффақиятсиз якунланди. Ундан кейин 1917 йил феврал ойида яна бир инқилоб бўлди, у ҳам муваффақиятсизликка учради. Бироқ болшевиклар тезда ўз сафларини тартибга солиб, ўша йилнинг ўзида, яъни 1917 йил октябр ойида учинчи инқилобни амалга оширдилар ва бу

сафар Ленин бошчилигида муваффақиятга эришдилар. Бу воқеа коммунистик ғояга чуқур ишонч ва айнан шу соҳада қайта-қайта ҳаракат қилиш қатъиятини намоён этади. Аслида Германия Ленинни ва унинг ҳаракатини қўллаб-қувватлади, чунки у Россиянинг Англия ва Франция тузган коалициядан чиқишини хоҳларди. Шунинг учун бу инқилобга қарши чиққанлар Англия ва Франция томонидан қўллаб-қувватланган аксилинқилобий ҳаракатларни бошладилар. Бироқ, янги тузилган коммунистик ҳукумат 1920 йилда уларни бостиришга муваффақ бўлди.

Хўш, болшевиклар инқилоби муваффақиятининг сирини нимада? У ғарбнинг капиталистик цивилизациясига асосланган инсониятга етакчилик қилиш лойиҳасини кесиб, унинг ўрнига рақобатдош саноат давлатини барпо этишга муваффақ бўлди. Бу давлат 1957 йилда дунёдаги биринчи сунъий ер йўлдошини учуриш билан АҚШни ҳайратда қолдирди. Атеистик асосга қурилган бефойда ғоя бўлмиш коммунизмнинг бундай муваффақиятга эришиб, нафақат инсониятни бошқариш, балки жаҳон давлатлари билан тенг ҳуқуқли рақобат қилиш даражасига етганининг эътиборга молик тўртта асосий сабаби бор:

Биринчи: Ақида

Коммунистик ғоя назарий ва фундаментал даражада олам, инсон ва ҳаёт ҳақида тўлиқ тушунча берган ғояга айланди. У яратилиш ҳақидаги саволга (нотўғри бўлса ҳам) жавоб беришга ҳаракат қилди ва бутун оламни моддага айлантириб, моддани эса абадий деб таърифлади. У ҳатто онгни «модданинг мияда аксланиши» деб таърифлади. Бу дунёқараш коммунистик давлатнинг фалсафий пойдеворига айланди. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир ўзининг «Тафкир» китобида шундай дейди: «Коммунист олимларининг ақлга берган таърифига келсак, унинг ўзи айтиб ўтишга арзийдиган ва эътиборга молик бўлган таърифдир. Чунки бу жиддий уринишдир. Лекин уларнинг бутун борлиқ яратувчисини ўжарлик билан инкор этишлари бу таърифни бузди. Агар бу ўжарлик бўлмаганида эди, улар ақлнинг ҳақиқати ҳақида аниқ билимга эришган бўлар эдилар».

Иккинчи: Фикрий етакчилик

Коммунистик фалсафанинг асосларидан бири диалектик материализмдир. Бу тушунча жамиятдаги зиддиятларни (айниқса, синфий ва иқтисодий тенгсизликларни) табиий деб ҳисоблайди ва бу зиддиятлар жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, деб ҳисоблайди. Коммунистик ғоя мана шу зиддиятларни таҳлил қилиб, жамиятни ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Бинобарин, омма халқ олдида ва оммавий ахборот воситаларидаги баҳс-мунозаралар орқали фикр алмашиш материалистик диалектиканинг усули ҳисобланади. Бу усул одамларни фикрлашга мажбур қилиб, интеллектуал ривожланишга туртки берди. Шу тарзда, социализм, шу жумладан коммунизм ғояси фикрий етакчилик ролини ўйнади. Моддийлик ва моддий тараққиётга асосланиб, шу ғоя асосида ўз бошқарув низомини ўрнатди ва бу ғояни ёйиб, уни ҳамма жойда амалга оширишга ҳаракат қилди.

Учинчи: мабдаий сиёсий партия

Марксистик мафкура дастлаб фақат фалсафий назария эди. Бироқ, ёш ҳуқуқшунос Владимир Ленин бу ғояни қабул қилди ва адвокатлик касбини тарк этиб, тўлиқ сиёсий фаолиятга ўтди. У коммунистик мафкурага катта ўзгартириш киритиб, ривожлантирди, кейин «марксизм-ленинизм» номи билан машҳур бўлган оқимга асос солди.

Ленин реал вазиятни тушуниб, уни коммунистик ғоялар асосида таҳлил қилди ҳамда «инқилобий муқобил лойиҳа»ни шакллантириб, уни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари ҳақида китоблар ёзди. Шу билан бирга, у ўзгартиришлар якка шахслар орқали эмас, балки партия орқали амалга ошишига қатъий ишонарди. Унинг бу борадаги машҳур иқтибосларидан бири шу эди: «Бир кишининг овози бутун халққа етиб бормади, у полициянинг тўсиқларига учраб, эшитилмай йўқ бўлиб кетади».

Айнан шунинг учун ҳам индивидуал раҳбарлар билан партия тузилмаси ўртасидаги муносабатларда ўзаро боғлиқлик бор эди. Ленин, Троцкий ва бошқа раҳбарлар ўз ғояларини ёйиш ва режаларини амалга оширишда партиянинг ёрдамига таяндилар. Шу билан бирга, партиянинг жойлардаги бўлимлари ўзининг қонунийлиги ва таъсирини ўз

етакчиларининг ғоялари ва стратегик режалаштириш маҳоратидан оларди.

Болшевиклар партиясининг деярли бутун Россия бўйлаб бўлимлари бор эди. Инқилобнинг муваффақияти мана шу кучли раҳбарият ва партиясининг уюшган тузилмаси ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг натижаси эди. Партия кўпчиликни бошқариш, халқни сафарбар қилиш ва инқилобни йўналтириш учун зарур бўлган инфратузилма ва моддий-техник дастакни таъминлади, индивидуал етакчилар эса ғоя, қатъият ва халқни руҳлантирган йўналишларни таклиф қилди.

Ленин ўзининг «Давлат ва инқилоб» номли китобида демократик партияларнинг босқичма-босқич ислохотлар йўли билан ўзгартиришларга интилишини танқид қилди. Унинг фикрича, ҳақиқий ўзгартириш фақат тўсатдан, оммавий инқилобий ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Болшевиклар партиясининг мабдағи асосланган партия эди. У мустаҳкам ташкилий тузилмага, кучли раҳбарлик иерархиясига, қатъий тартиб-интизомга ва халқ билан мулоқотни таъминлаш механизмларига эга эди. Ҳар бир аъзонинг роли ва масъулияти аниқ белгиланган эди. Бу ушбу стратегияларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берди. Ҳатто партия қаттиқ репрессив шароитларда ҳам яширин тармоқларни ва инқилобий ҳужайраларни ривожлантирди.

У пайтларда сунъий интеллект ҳам, ижтимоий тармоқлар ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, партия инновацион усулларни қўллаб, сиёсий вазиятга тез мослаша олди. Шунингдек, имкониятлардан ҳам ўз манфаати йўлида фойдалана олди, керак бўлганда эса тез йиғилиб, қатъий қадамлар ташлашга муваффақ бўлди.

Тўртинчи: ҳарбий ёрдам олиш

Эътибор берган ҳар бир киши билладики, коммунизм «инқилобий зўравонлик»ни назарий жиҳатдан оқлаб, унга инқилоб муваффақиятининг зарурий шартини сифатида қарайди. Шунинг учун инқилобий кучлар қуроли бўлинмалар тузиб, ҳукуматни куч билан афдаришга уриндилар. Бироқ, бир неча муваффақиятсиз уринишлардан сўнг, болшевиклар ҳарбийларга, аниқроғи, чор армиясининг офицерлари ва аскарларига таяниш кераклигини англаб етдилар. Чунки

армиянинг аксарият қисми ҳам ўша пайтдаги вазиятдан норози эди.

Шундай қилиб, болшевиклар партияси билан советлар (ишчилар ва аскарлар кенгашлари) ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилиши қўзғолонни самарали ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу ўз навбатида, Петроград шахрини назорат қилиш имконини берди.

Ундан сўнг бошланган фуқаролар уруши пайтида Троцкий бошчилигидаги Қизил армия, гарчи дастлаб кўнгиллилардан иборат армия бўлса ҳам, қисқа вақт ичида юқори даражадаги интизом ва координацияга эришди. Бу баъзи болшевикларнинг қаршиликларига қарамай, чор армиясининг тажрибали офицерларидан фойдалангандан кейин шундай бўлди.

Шундай қилиб, ушбу тўртта асосий сабабнинг бирлашуви болшевиклар инқилобининг муваффақиятига ва чор Россияси вайроналари ўрнига СССРнинг барпо этилишига ёрдам берди. Бу низом инсон фитратига зид ғояга асосланган бўлишига қарамай, тарихда ҳақиқий кучга айлана олди.

Агар бешинчи омил бўлмаганида инқилоб самарали бўлмас эди. Бу аҳолининг асосий қисмини ташкил этган қашшоқ, очнаҳор халқ эди. Бу одамлар капитализмнинг оғир шароитларида яшаб, қашшоқликда кун кечирардилар. Ана шу қийинчиликлар халқ онгини инқилобий ўзгартиришларга тайёрлаб, капитализмни куч билан бўлса ҳам ағдариб ташлашга рози қилди.

Ҳизб ут-Таҳрир коммунизмнинг фикрий етакчилиги ҳақида қуйидаги якуний сўзини айтган эди: «Шу туфайли коммунизм мафкураси фитрий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради. Ошқозонни тузоқ қилиб, ўз мафкурасини ўтказиш учун ҳийлалар ўйлаб топди. Бу мафкура оч-юпунларни, қўрқоқ-ҳамиятсизларни ва ноумид-йўқсилларни ўзига жалб қилар эди. Бу мафкурани асосан тубанлашиб кетган, ҳаётда муваффақият қозона олмаган, омадсиз, бировларнинг бахтини кўра олмайдиган ҳамда психологик бузилишларни бошдан кечираётган кишилар қабул қилар эди. Яна бу кишилар сезги ва ақлнинг гувоҳлигида бузуқлиги ва нотўғрилиги яққол кўриниб турган диалектика назариясини кўкларга кўтариб оғиз кўпиртирсалар, уларни кучли тафаккур эгалари дейилди. Бу мафкура одамларни ўз мабдасига бўйсундириш учун куч ва

зўравонликни қурол қилди. Бундан тазйиқ, тақиқ ва таъқиблар келиб чиқди. Унинг энг муҳим воситалари қўзғолонлар, бетартибликлар, вайронагарчиликлар ва беқарорликлардан иборат эди».

### **Ўзгартириш усули Ҳизб ут-Таҳрирга оид**

Аmmo шу ўринда асосий савол туғилади: агар фалсафаси инсон табиатига зид бўлган ва атеистик (социализм ва коммунизм каби) ғоялар бутун бир жамият онгини шакллантириб, буюк давлатнинг пойдеворига айлана олган бўлса, унда нима учун Ислом Уммати – унга ғалаба ва ҳукмронлик ваъда қилинган бўлса ҳам – ўзининг исломий мафкурасига асосланган давлатни барпо эта олмаяпти? Нега у қулаб бораётган капитализм ғоясига қарши ўз ғоялари асосида давлат қура олмаяпти?

Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги нуқталарни ҳисобга олиш зарурдир:

1 – Ислом ақидаси ўзидан тузум келиб чиқадиган ақлий ақидадир. Бу эса коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрни ифодалайди. Исломда етакчилик фикрий етакчилик бўлиб, у ҳақиқий тафаккур даражасига етган тараққиётга етаклайди. Бу инсон фитратига зид бўлган коммунизмга зид равишда маънавий пойдевор устига қурилган фикрий ривожланишдир. Демак, Ислом ақидаси ҳаётдаги барча тушунчалар унинг устига қурилган фикрий пойдевордир. У инсондаги энг катта савол «Мен қаердан келдим, яшашдан мақсад нима ва ўлгандан кейин қаерга бораман?» деган саволга ақлни қониқтирадиган, фитратга мос келадиган ва қалбни хотиржам қиладиган тарзда жавоб берганлиги боис ривожланишнинг ҳақиқий асоси бўлиб ҳисобланади.

2 – Шаръий аҳкомлар ҳаётдаги воқеликларга берилган ечимлардир. Одамларни тўғри йўлга бошлаш учун у ҳукмнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини аниқ кўрсатиш зарур. Бунинг учун ҳукмларни тўғри татбиқ этишни ҳамда исломий ечимларни бугунги кун воқелигидан келиб чиқиб тақдим этишни талаб қилади. Бу ёндашув исломий жамиятнинг кўринишини намоён қилиб, Исломни ҳаёт муаммоларига ечим берувчи тенгсиз манба сифатида қабул қилишга олиб келади. Бу орқали Уммат ўз динига бўлган ишончини қайта тиклайди. Шунингдек, инсонларни, айниқса ҳукмдорларни яхшиликка

буюриб, ёмонликдан қайтариш зарур бўлади. Халқни ўзгартиришга чақириш ва воқеликни ўзгартириш масъулияти бутун Уммат зиммасига юклатилган. Бу фақат бир шахс ёки жамоатнинг вазифаси эмас. Бу коммунизмда бўлганидек, зиддият ва адоват қўзғаш орқали ўзгартириш яшаш тариқатига мутлақо зиддир.

3 – Исломий ҳаётни қайта бошлаш ва Ислом давлатини барпо этишнинг шаръий тариқати исломий тамойилларга асосланган мабдаий ҳизбий фаолият юритишдир. Бу Росулulloҳ ﷺ Маккада тутган ўзгартириш тариқатларига эргашган ҳолда бўлади. Шунинг учун 1953 йилда Шайх Тақийюддин Набахоний Уммат ичида асос солган Ҳизб ут-Таҳрир партияси ташкил топди. Бу сиёсий-мабдаий Ҳизб фикр ва тўйғу кучи билан жамиятга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. У жамиятга юк бўлиш учун эмас балки жамиятнинг юкини кўтариш учун ҳамда жамиятдан таъсирланиш учун эмас, балки жамиятга таъсир ўтказиб, уни ўзгартириш учун фаолият олиб боради. Вазият қанчалик оғир бўлмасин, у ўз йўлидан оғишмай, тўлиқ фикр ва тўйғу билан жамиятни инқилоб сари етаклашга ҳаракат қилади.

Ҳизб жамиятга шунчаки ташкилот сифатида эмас, балки мафкуравий вужуд, бошқача айтганда, алоҳида тузилмага эга вужуд сифатида кириб келиши кераклигини аввал бошданок англаб етган эди. Ушбу вужуд мустақил фаолият кўрсатиши лозим. Унга бошқа сифат қўшилиши жоиз эмас. Ҳизб ут-Таҳрир буни ҳам очиқ-ойдин таъкидлаган: Агар Ҳизбий фаолият фикрий характерга эга бўлмаса ёки бошқа хусусиятлар билан қоришиб кетган бўлса, бундай уринишлар нафақат муваффақиятсизликка учрайди, балки курашда ўз кучини ҳам йўқотади. Бинобарин, Ҳизб ўзининг фикрий ўзлигини ва нуфузини сақлаб қолиш учун доимо мабдага таянади.

4 – Исломий лойиҳа фақат куч-қудрат эгасининг ёрдами билангина тўлиқ амалга ошиши мумкин. Бу Уммат ичидаги куч-қудрат эгалари, армия етакчилари ёки ҳурмат-эътиборга эга қабила бошлиқлари орқали бўлиши мумкин. Шунинг учун «нусрат» талаб қилиш ихтиёрий иш эмас, Росулulloҳ ﷺ қилганларидек шаръий тариқатнинг бир қисмидир. Ислом давлати оёқда туриши учун унга албатта сиёсий куч, ҳокимият ва ҳарбий таянч керак. Бу Ҳизб ут-Таҳрирнинг сиёсий

фаолятининг асосидир. Шу билан бирга, тарихий ва замонавий сиёсий тажрибалар шуни кўрсатадики, дунёнинг исталган нуқтасида давлат қурилиши учун ўша ернинг кучли қатламларидан (ҳарбийлар, қабила бошлиқлари, нуфузли гуруҳлардан) ёрдам сўраш қонуний ҳаракат ҳисобланади. Бу ўзгартиришнинг қонуний йўлидир, коммунизм йўлаб топган даҳолик эмас.

Ана шу тўрт асос Ҳизб ут-Таҳрир ташкил топган кундан бошлаб унинг фаолятини белгилаб берган тамойиллар ҳисобланади. Ҳизб Умматни барча имкониятлари билан ўзига қўшилишга, Исломи лойиҳасини реал воқеликка айлантиришга ва Исломи давлатни барпо этишга чақиради. Бу давлат шариат қонунларини тўлиқ татбиқ этади ва Исломи бутун дунёга раҳмат сифатида олиб чиқади. Ҳизб қабул қилган процедура қайсидир маънода коммунизмдаги ўзгартириш йўлига ўхшаш бўлиши мумкин. Масалан, умумий фикрни пайдо қилиш, уни назорат қилиш ва яқка тартибда ёки жамоий ҳолатда инсонларга сақофат бериш орқали мабдаий тушунчалар билан уни мустаҳкамлаш каби. Буларнинг барчаси жамиятни ўзгартириш учун мавжуд бўлган табиий қонунлардир. Аммо улар орасида катта фарқ бор: коммунистлар зўравонлик орқали ўзгартиришларга эришадилар. Ҳизб ут-Таҳрир эса Росулulloҳ ﷺнинг йўлларида юриб, зўравонликка қўл урмайди, балки ақида, фикр, сабрли сиёсий фаолият билан давлат қуришга интилади.

Шундай экан, бугунги кунда Умматдан талаб қилинган нарса нусрат кунини белгилаб ўтириш эмас. Чунки унинг аниқ вақтини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Талаб қилинган нарса, нусратга олиб борадиган сабабларни қилиш, улар устида астойдил ҳаракат қилиш ва нусратнинг яқинлигига қатъий ишонган ҳолда, Аллоҳга тўлиқ таваккал қилишдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُمْ بِهِ ۗ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ

الْحَكِيمِ﴾

**«Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизларга хушxabар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топишлиги учун қилди. Аслида**

**нусрат-ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур»** [Оли Имрон 126]

Бинобарин, Умматнинг Ислом давлатини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари сиёсий йўл-йўриқсиз, тасодифий ёки реакцион кайфиятда эмас, аксинча, Ҳизб ут-Таҳрир атрофида бирлашиш ва унинг даъватини қабул қилиш билан бўлади. Токи, бу ҳаракат миллатчилик бутларини йўқ қилиб, уларнинг ўрнида Ислом давлатини барпо этсин ҳамда Ислом лашкарларини яҳудийларнинг ифлослигидан озод қилиш учун Ақсога йўналтирсин.

**Ҳизб ут-Таҳрир ва сиёсий раҳбарликни қўлга олиш**

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Умматбилан иш олиб боришида ундан талаб қилинган нарса Умматнинг барча қатламлари орасида кенг кўламли дастакка эга бўлиш, бошқача айтганда, халқ орасида «халқ базаси»ни барпо этишдир. Чунки Уммат ҳокимиятнинг табиий таянчидир. Ҳокимиятга интилаётган ғайритабиий кучларни бартараф этишда ҳам Уммат асосий ролни эгаллайди. Шундай экан, иқтидорга эришишнинг табиий йўли Уммат ичида кучли, кенг ва барқарор таянч базасини барпо этишдир. Бу база нафақат иқтидорга эришишга ёрдам беради, балки уни сақлаб қолади ва юқори даражаларга олиб чиқади.

Ҳизб фикр бериш билан чекланиб қолмайди, балки кучларни касб учун улар билан доим шуғулланади. Бу куч – раъйи ом, якка шахслар ва таъсирли шахсиялар кучидир. Бинобарин, Ҳизб нуфузли шахслар қўллаб-қувватлови билан кенг жамоатчиликнинг ҳам қўллаб-қувватловига эришиш мумкинлигини билади. Бу Мадинада Ислом давлатининг барпо этилишига сабаб бўлган Ақаба байъати кабидир. Мусъаб ибн Умайрнинг Мадина аҳлининг раҳбарларини касб қилиши таъсирли иш бўлди. Чунки Саъд ибн Муоз ва Усайд ибн Ҳузайр каби етакчиларнинг касб қилиниши Мадина халқининг омматан Исломни қабул қилишига сабаб бўлди.

Яъни халқнинг қўллаб-қувватловини қозониш ҳизбий ҳаракатнинг бир қисмидир. Бу ҳаракат Умматнинг эътиқоди, фикри ва қарашларини бирлаштириш билан бирга олиб борилади. Бу «эритиб, бирлаштирувчи» жараён бўлиб, бундан мақсад кенг жамоатчилик ўртасида раъйи омни ҳосил қилишдир.

Бу таянч базасини барпо этиш шунчаки ҳис-туйғуларни қўзғатиш ва халққа «Ғалаба яқин» деб ширин ваъдалар бериш эмас, балки оғир юкни ўз зиммасига оладиган, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, узоқ курашга тайёр ижтимоий кучни барпо этишдир. Чунки бу база бўлмаса Ғарб дунёси Ироқ, Сурия, Афғонистон, Судан ва Ғазодаги каби сценарийларни такрорлашдан тоймайди. Шунинг учун иш ҳис-туйғуга эмас, балки онгга қаратилиши, юзаки фикрларга эмас, балки соғлом фикрга асосланиши ва ўйлаб топилган назариялардан узоқ бўлиб, реал ҳақиқатга таяниши керак.

Мана шундай база билан Ислом давлати қурилади. Унга таяниб, душманларга қарши турилади. У орқали Ислом халқаро даъват сифатида дунёга олиб чиқилади. Ҳатто глобал тузумга қарши кураш ҳам шу база орқали олиб борилади.

Ҳизбнинг мақсади халқ овозини қўлга киритиш орқали сайлов йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш эмас. Унинг мақсади Умматни жиҳодга руҳлантириб, Аллоҳнинг каломини олий қилишдир. Сайловда овоз олиш мақсади билан Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга тайёр Умматни шакллантириш мақсади ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бинобарин, Уммат ҳизб раҳнамолигида Ислом давлатини барпо этиши учун учта нарса албатта ҳозир бўлиши ва аниқ тушунилиши керак. Бу уч нарса, аслида, Ҳизбнинг стратегик қарашларига асос бўлган уч устундир:

- Жамиятда Ҳизб ут-Таҳрир кўтариб чиқаётган исломий ғояга нисбатан раъйи омнинг мавжудлиги.

- Халқ, шу жумладан қудратли табақанинг Ислом ғоясини ва унинг кўтариб чиқувчиларни бағрига олиши. Токи бу қудратли табақа ана шу ғоя асосида давлатни барпо этиб, ҳокимиятни Ҳизб қўлига топшириш шарафига муяссар бўлсин.

- Ҳизб ва унинг структураси давлат ишларини ҳеч қандай қийинчилик ва машаққатсиз амалга ошириш имкониятига эга бўлиши. Бу нарса Аллоҳнинг фазли ила тайёрдир.

Ана шунда Аллоҳнинг изни ила Халифалик эълон қилинади ва ҳокимиятни қўлга олиш табиий ҳолга айланади. Бизнинг ишимиз фақат ҳокимиятга эришиш эмас, балки Ислом давлатини қуришдир.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Бу масала Ислом ва коммунизмни солиштириш билан чекланмайди.

Росулulloҳ ﷺ давлат тиклаб, ҳокимиятни қўлга олдилар. Ленин ҳам давлат тиклаб, ҳокимиятни қўлга олди. Мао Цзедун ҳам давлат тиклаб, ҳокимиятни қўлга олди. Аммо Сталин фақат ҳокимиятни қўлга олди, давлат тиклагани йўқ. Чунки давлат аллақачон тикланган эди. Абу Бакр ва Умар лар ҳам ҳокимиятни қўлга олдилар, давлат тикламадилар. Чунки Росулulloҳ ﷺ давлатни тиклаб қўйган эдилар. Мустафо Камол эса давлатни вайрон қилиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Абдунносир ҳам ҳокимиятни эгаллади, давлат қургани йўқ. Суриядаги баасчилар ҳокимиятни эгаллаб олишди, давлат қурмади. Улар Ироқда ҳам ҳокимият тепасига келди, ҳокимият уларнинг бошларига қулади, чунки улар давлат қуришмаган эди.

Агар Ҳизб мана шу уч нарсани (раъйи ом, ғояни қудратли синф томонидан қабул қилиниши ва Ҳизбнинг бошқарув қобилятини) таъминлай олса, у ҳолда давлат қурилишининг бир қисми бўлган ҳокимиятни қўлга олиш имкониятига эга бўлади. Шунда Аллоҳ Таолонинг ёрдами билан адолатли Халифалик давлати тикланади ва у тўлиқ жасорат, куч ва қудрат билан бутун Ислом давлатларини ўз ичига олиб кенгайишни бошлайди.

Бу давлатда Ислом байроғи «Раятул-Уқоб» ҳар бир тепаликда, ҳар бир иморат устида ва баланд жойларда ўрнатиб қўйилади. Ислом армияси сафлари олдидан дунё давлатларига даъват йўллайди, уларнинг таҳдидларига эътибор бермайди, қийинчиликларга бардош бериб, жиҳод байроғи остида йўлидаги барча моддий тўсиқларни йўқ қилади. Бу Уммат бошқа халқларни куфр зулматидан Ислом нурига олиб чиқади, дунё етакчилигини қўлга олиб, инсониятни Байден ва Трамп каби кимсалар етаклаб кетаётган тубсиз жарликдан қутқаради. Уларни тинчлик ва омонлик соҳиллари сари етаклаб, дунёда азизлик, охиратда эса жаннатга етакловчи йўлга бошлайди. Барча халқлар Ислом салтанати соясида роҳат-фароғатда яшайди. Бу Аллоҳ учун қийин эмас!

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ لِيُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُنِمْ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿١٠٧﴾ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни Исломни) оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нуруни (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динлар устидан ғолиб қилиш учун юборган зотдир»**

[Саф 8-9] □

## **ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ҚУЛАТИЛГАНЛИГИНИНГ 104 ЙИЛЛИГИ ХОТИРАСИДА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИРНИНГ ДУНЁ БЎЙЛАБ ФАОЛИЯТИГА ОИД МАҚОЛАЛАР**

**Синглимиз Равла Иброҳим  
Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий  
матбуот бўлими аъзоси**

**Халифалик қулатилганига 104 йил бўлди.** Ушандан бери мусулмонларнинг бошидан қайғу-алам, офат ва мусибатлар аримаяпти. Умматимиз қалбидаги чуқур яра кундан-кунга катталашиб бормоқда. Бу мусулмонлар ўз азизлиги, шаъни ва қудратининг манбасини йўқотганлигини яна бир бор яққол кўрсатиб турибди. Бироқ Росулulloҳ ﷺ бошлаган сиёсий ва фикрий йўл билан иккинчи Халифалик давлатини тиклашга бел боғлаган холис мўминлар ҳам йўқ эмас. Улар Аллоҳга, Росулulloҳ ﷺ га ва Умматига чарчамаслик, малолланмаслик, умидсизликка тушмаслик ва Пайғамбарлик минҳожига хиёнат қилмасликка аҳд берганлар. Аллоҳ ғалаба бергунигача ёки бу йўлда шаҳид бўлгунларигача улар ҳаракатдан тўхтамайдилар.

Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари ана шундай кучли азм ва эътиқод билан бутун дунё бўйлаб ушбу қайғули кунни хотирлаб, махсус тадбирлар ўтказдилар. Норозилик намойишлари, алоҳида алоҳа ўрнатишлар, видеоқўнғироқлар, конференциялар, баёнотлар ва бошқа тадбирлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими ушбу хотира тадбирларини тўлиқ ёритишга қаратилган глобал ахборот кампаниясини бошлади. Марказий матбуот бўлимининг раҳбари, муҳандис Салоҳиддин Азоза кампаниянинг очилиш нутқида Умматнинг ҳозирги авлодига мурожаат қилиб, уларни Халифаликни тиклаш йўлида тинимсиз ҳаракат қилишга чақирди. У ўз баёнотида Ҳизб ут-Таҳрир Умматни Ҳизб аъзолари билан биргаликда ушбу аламли фожиадан қутулиш учун ҳаракат қилишга ундаш мақсадида хотира тадбирларини ўтказаетганини таъкидлади. Шунга биноан марказий матбуот бўлими ушбу хотира тадбирини «Пайғамбарлик минҳожига асосида қайта тикланадиган Халифалик дунё ва инсоният нажоткоридир», номи остида бошлади.

Бундан ташқари, марказий матбуот бўлимининг аёллар қисми ҳам ушбу тадбирда иштирок этиб, Халифалик

қулатилганидан кейин мусулмонлар бошидан кечирган изтироблар, қолоқликлар, бўлинишлар ва кофир мустамлакачига кўр-кўрона итоат қилишларга урғу берди, Мусулмонларни ўз динларига қайтишга чақириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

«Етимларнинг кўз ёшларини артадиган, мусулмонлар шаънини ҳимоя қиладиган, юртларимизни босқинчилардан озод қиладиган, ўлкаларимизни бирлаштириб, байроғимизни баланд кўтарадиган ягона раҳбар – мусулмонларнинг халифасидир!».

Аёллар қисмининг вакиласи Исломий қўшинларни ҳам бефарқ бўлмасликка чақириб, уларга шундай мурожаат қилди:

«Уммат бор овози билан сизга нидо йўлламоқда: сиз қаерда қолдингиз? Қачон бу қуллик занжирларини узиб ташлайсиз, Умматнинг мадад истаган фарёдига қулоқ тутиб, қачон унга ёрдам қўлини чўзасиз? «Сизнинг ёрдамингиз ўз динингизга содиқлигингиз ва Роббингиз розилигига эришганингиз аломати эмасми?».

Шунингдек, Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими «Ал-Воқия» телеканали орқали «Халифалик йўлидаги ўзгармас асослар» номли дунё бўйлаб матбуот конференциясини ташкил қилди. Унга шайх Аднан Мазян бошчилик қилди. Анжуманда Халифаликни тиклашга даъват этган бир қанча таниқли кишилар иштирок этди.

Биринчи сўз муҳандис Баҳир Солиҳга берилди. У ўзининг «Уларнинг динига кирмагунингизча» номли маърузасида қуйидагиларни таъкидлади: Ғарб муртадлик ва Исломни инкор этишдан бошқа ҳеч нарсага рози бўлмайди. Гоҳида ён босишларни кўриб, бироз хотиржам бўлиши мумкин, аммо бу макр ва алдов сукунати бўлиб, улар ўз мақсадига эришиш учун ишларини яширин ва ошкора давом эттираверади. Ғарбнинг мусулмон давлатлари олдида иккита асосий мақсади бор: биринчиси, Исломнинг қайтишига йўл қўймаслик, иккинчиси, ўлкаларимизни мустамлака қилишда давом этиб, бойликларимизни талон-торож қилишдир.

Иккинчи сўз Рана Мустафога берилди. У ўзининг «Озчиликлар ва аёллар ҳуқуқлари» номли маърузасида қуйидагиларни таъкидлади: Ғарб аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги муҳим ролини тушуниб етганлиги учун ҳам,

аёлларни нишонга олиб, муслима аёлларни ўзларининг ярим яланғоч маданиятига, эркинлик сақофатига ва Исломиё аҳкомлардан узоқлашиб, ўз гўзалликларини намойиш этишга ундамоқда. Шу мақсадда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга имкон бериш баҳонасида қонунлар ишлаб чиқмоқда.

Учинчи сўз Шайх Аҳмад Сўфийга берилди. У ўзининг «Диндаги таназзул ва босқичма-босқич ўзгартириш усули» номли маърузасида қўйидагиларни таъкидлади: «Азиз биродарлар! Гап нима ҳақида кетаётганини биласизми? Гап Росулulloҳ Муҳаммад ﷺ хабар берган Пайғамбарлик манҳожии ҳақида кетяпти. Биз ҳозир яшаётган мустабид тузумдан сўнгги Аллоҳ розии бўладиган ягона давлат бу пайғамбарлик минҳожии асосида қуриладиган Халифалик давлатидир. Бу йўлда куфр конституциялари билан ҳамкорлик қилиш, тоғутдан ҳукм сўраш, босқичма-босқич ўзгариш, мослашиш ва асослардан воз кечиш тушунчасии йўқ. Балки бу – йўқ бўлишга маҳкум Ғарб ҳукмронлигии қолдиқлари устига қурилган Ислом давлатидир!

Тўртинчи сўз профессор Муҳаммад Малкавийга берилди. У ўзининг «Фақат ва фақат Халифалик – ягона ечим ва яширин кучдир» номли маърузасида қўйидагиларни таъкидлади: «Биз бу Умматнинг ўғил-қизларига мурожаат қилиб, биз билан ҳаракат қилишга ва пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик давлатинии тиклаш учун, қатъият билан тинимсиз кураш олиб боришга даъват қилишдан тўхтамаймиз. Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан бошқариш барча бошқарувлардан устун бўлиши керак. Уммат адолатли халифани сайлаб, унга Ислом билан бошқаришни ишониб топшириши лозим. Ғарб демократиясидан Исломга, дунёвий тузумдан Исломга ёки бошқа Ғарб мафкураларидан Исломга «босқичма-босқич» ўтиш ғоясига ҳеч қачон алданмаслигимиз керак. Чунки соф, мусаффо Ислом йўли капитализм, секуляризм, демократия ёки миллатчилик зулматидан бошланмайди».

Конференциянинг якуний сўзии марказий матбуот бўлимининг раҳбари, муҳандис Салоҳиддин Азозага берилди. У ўзининг «Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатинии тиклашга яқинлашмоқдамиз» номли маърузасида қўйидагиларни таъкидлади: «Ўтган йили биз иккита буюк тўфонга гувоҳ бўлдик. Биринчиси, Ақсодаги тўфон бўлса, иккинчиси Сурияни Асад режимидан озод қилиниши

бўлди. Бу тўфонлар ҳеч кимга бош бермайдиган асов от каби эди. Ислом Уммати Аллоҳнинг иродаси билан бу икки отни тизгинидан тутиб, эгалари кутганидан ҳам узоқроқларга етаклади. Натижада мезонлар алмашди, тушунчалар ўзгарди. Сиёсий саҳнада янги босқич бошланди.

Умнат ҳозир ҳар бир ҳаракати билан ўз жаллодлари ҳамда мол-мулкни талон-торож қилаётганларга қаршилиқ кўрсатмоқда ва ўз ҳукмронлигини қайта тиклаб, жароҳатлари учун қасос олиш мақсадида қатъий чоралар кўрмоқда. Бинобарин, Умнатнинг ҳар бир соф ва мустақил ҳаракати сиёсий вазиятни ўзгартириб, ғарбни ўз режаларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда ва Ислом Уммати онгида сиёсий уйғониш ва Аллоҳга ихлоснинг янги сатрларини чизмоқда».

Марказий матбуот бўлими ушбу хотирада ҳимматларни уйғотиш учун махсус матбуот баёноتلарини эълон қилди ва Умнатнинг қалқонлари бўлмиш кучга эгаларини нусратга чорлаб, қуйидагича мурожаат йўллади:

«Сизлар бу Умнатнинг қалқонисиз! Мусулмонлар ва уларнинг ўлкаларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун тайёр туришингиз керак. Таҳдидларга қарши стратегик режалар ишлаб чиқишингиз, керак бўлса урушга ҳам тайёр туришингиз керак. Мамлакатларнинг ички ва ташқи аҳволини чуқур англаб, Умнат ва давлатни ҳар қандай хавфли вазиятлардан ҳимоя қилиш сизнинг бурчингиздир».

Шунингдек бутун Умнатга ҳам шундай хитоб қилди:

«Ҳизб ут-Таҳрир ишончли ва онгли раҳбардир. У Умнат ва давлатни бошқаришга, капиталистик бузғунчи тузум сабабли ва мустамлакачи давлатлар ҳамда уларнинг малайлари сабабли юзага келган барча муаммоларни ҳал қилиш имконига эгадир. Шунинг учун ҳам раҳбарликни дарҳол Ҳизб ут-Таҳрирга топшириб, унинг етакчилигида Халифалик давлатини тиклаш ва Умнатни бирлаштириш орқали буюк ғалабани қўлга киритинг!».

Ҳизб ут-Таҳрирнинг дунё бўйлаб фаолияти

### **Индонезия:**

Ҳизб ут-Таҳрир Индонезия вилояти пойтахт Жакартада «Халифалик ва жиҳод билан Фаластинни озод қилиш» шиори остида катта юриш ўтказди. Бу тадбирда ўттиз мингдан ортиқ

мусулмонлар иштирок этиб, Ислом қўшинларини Фаластиндаги мазлум мусулмонларга ёрдам беришга, Масжидул Ақсо ва бутун Фаластинни яҳудий жиноятчилар ишғолидан озод қилишга чақирди. Улар, шунингдек, фақат иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш билангина бутун Ислом оламини мустамлакачи ғарб ҳукмронлигидан тўлиқ озод этиш мумкинлигини таъкидладилар.

### **Туркия:**

Ҳизб ут-Таҳрир Туркия вилояти «Истанбулдан Қуддусгача – келажакни Халифалик билан қуриш!» шиори остидаги йиллик Халифалик конференциясини ўтказди. Истанбулнинг Эсенюрт туманидаги Нене Хотун маданият марказида ўтказилган ушбу тадбир кенг аудитория иштирокида бўлиб ўтди. Анжуманни Ҳизб ут-Таҳрир матбуот бўлимининг аъзоси Муҳаммад Амин Йилдирим очиб берди. Тадбирда қуйидаги таниқли шахслар иштирок этди:

- Фаластин бирдамлик уюшмаси раиси Муҳаммад Мишиниш;
- Ёзувчи ва диншунос олим доктор Аҳмад Тоййиб;
- Фаластин бирдамлик уюшмаси раиси Муҳаммад Юсуф Гул;

Шунингдек, доктор Абдураҳим Шен ва диншунос олим Абдуллоҳ Имомўғли ҳам нотиқ сифатида иштирок этдилар.

### **Бангладеш:**

Ҳизб ут-Таҳрир – Бангладеш Вилояти 2025 йил 7 март, жума куни катта юриш ўтказди. Исломга муҳаббатли ўн минглаб инсонлар ҳеч қандай расмий таклифсиз, Америка ва Ҳиндистон малайларининг таҳдидларига қарамай, ушбу юришда иштирок этишди. Улар Бангладеш армиясидаги мусулмонларни Ҳизб ут-Таҳрирга нусрат беришга ва Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни барпо этишга чақирдилар.

### **Фаластин:**

«Ҳизб ут-Таҳрир» аёллар бўлими томонидан турли мавзуларда бир қанча баёноتلар ва маърузалар ҳозирланиб, масжидларда дарслар ташкил этилди. Шунингдек, жума хутбалари ҳам ушбу оғриқли хотирага бағишланди.

### **Иордания:**

Ҳизб ут-Таҳрир Иордания вилояти «Халифалик қулатилганлигини хотирлаш шунчаки аза тутиш учун эмас,

балки уни қайта тиклаш учун ҳаракатга чорлашдир!» номли баёнот эълон қилди.

#### **Кения:**

Ҳизб ут-Таҳрир Кения вилояти 1446 ҳижрий йил ражаб ойида умуммиллий митинг ўтказди. Ушбу кампания ой бошидан бошланиб, кенг кўламли тадбирларни ўз ичига олди:

- Оммавий маърузалар.
- Семинарлар.
- Норозилик намойишлари.

Бу тадбирлар 1924 йил 3 мартда (ҳижрий 1342 йил 28 ражаб) Халифалик қулатилганидан бери Умматнинг бошига келган оғриқли дамларни мусулмонларга яна бир бор эслатиш мақсадида ташкил этилди.

#### **Ливан:**

Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти Триполи шаҳрида «Шом ўлкасидаги ўзгаришлар: хавотирлар ва хушxabарлар» номли конференция ўтказди. Ушбу тадбир Маданий алоқалар ташкилотининг ҳомийлигида ташкил этилди.

Конференцияда асосан қўйидаги мавзулар тақдим этилди:

- «Ўзгаришлар давридаги сиёсий истиқбол». Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлимининг раҳбари муҳандис Салоҳиддин Азоза.

- «Золим ҳукмдорлар қулагандан кейинги босқич». Ҳизб ут-Таҳрир – Сурия вилояти матбуот бўлимининг аъзоси Носир Шайх Абдулхай.

- «Янги ташкил этилган тузумларнинг муаммолари». Ҳизб ут-Таҳрир марказий ахборот бўлими аъзоси Аҳмад Қасос.

- «Ўзгаришлар ва Туркиянинг роли». Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти марказий алоқалар қўмитаси раиси Абдуллоҳ Имомўғли.

- «Ражаб ойи, Уммат ва унинг нажоти йўлида ҳаракат қилувчилар». Ҳизб ут-Таҳрир Ливан вилоятининг аъзоси Шайх Аҳмад Сўфий.

Анжуманнинг якуний баёнотини Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти матбуот бўлимининг бошлиғи шайх доктор Муҳаммад Иброҳим эълон қилди.

#### **Канада:**

«Халифалик давлатини тиклаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш» шиори остида йиллик Халифалик конференцияси 2025 йил 18 январда Канаданинг Торонто шаҳри яқинида жойлашган Миссиссауга шаҳрида бўлиб ўтиши керак эди. Бироқ, Канада ҳукумати АҚШ билан ҳамкорликда ўзлари доимо мақтаниб келган «инсон ҳуқуқлари», «сўз эркинлиги» каби тамойилларни оёқ ости қилиб, бу конференцияга тўсиқ қўйишга ҳаракат қилди. Улар бу билан фуқароларнинг «интеллектуал ва маданий фаолиятни ташкил этиш» ҳуқуқини, «сўз эркинлиги»ни ва «демократик қадрият»ларни бузишди.

Канада маъмурияти конференцияни ташкил қилувчиларни тийиш учун, яъни уларни тадбир ўтказишдан қайтариш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали провокацион кампания бошлади. Улар бундай тадбирлар ўтказиладиган турли марказ ва заллар раҳбарларини, конференция ташкилотчиларининг брон қилиш таклифларини қабул қилмасликка ундадилар. Бу кампания давомида Канада жамоат хавфсизлиги вазири Дэвид Жей МакГинти ва унинг ўринбосари Рейчел Бендиан томонидан қўшма баёнот эълон қилинди. Ушбу баёнотда Ҳизб ут-Таҳрирга қарши кўплаб ёлғон, бурмалаш ва алдовлар бўлиб, улар ўз ҳаракатларини оқлаш ва конференциянинг олдини олишга қаратилган эди.

Конференция расман ўтказилмаган бўлса-да, ундан кўзланган мақсадга эришилди. Чунки:

- Диний ва сиёсий баёнотларни тарқатиш фақатгина кенг жамоатчилик билан бевосита мулоқот қилиш орқали амалга оширилмайди.
- Ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқ платформалари ҳам баёнотлар тарқатиш учун асосий минбарга айланиб қолди.
- Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари кундалик ҳаётда халқ билан бирга яшаб, улар ўртасида даъват ишларини олиб бормоқда.
- Илон Маск каби ғарбда кўзга кўринган кишиларнинг бу борада баёнотлар бериши мавзунини глобал миқёсга олиб чиқиб, Ҳизб чақириғини кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Илон Маскнинг бу борадаги баёноти Ҳизб ут-Таҳрир даъватининг халқаро миқёсда миллионлаган инсонлар ўртасида муҳокама қилинишига ҳисса қўшди. У ўзи билмаган ҳолда бу ишга хизмат қилди.

**Покистон:**

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Покистондаги матбуот бўлими «Битта Уммат... Битта Халифалик» номли янги видео туркумини чиқарди.

**Судан:**

Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти «Уммат масалалари» номли даврий форум ташкил қилди. Бу сафарги тадбир Халифалик давлати қулатилганининг 104 йиллигини хотирлаб ражаб ойида ўтказилди. Форум шиори: «Халифалик – Умматнинг ўзгартириш лойиҳаси, у фарзларнинг тожидир!», деб аталди.

Форум доирасида ушбу фожиали воқеани ёдга олиб, мусулмонларни уйғотиш мақсадида қатор видео тақдимотлар ташкил этилди ва маърузалар тингланди.

**Тунис:**

Ҳизб ут-Таҳрир Тунис вилояти пойтахтда «Мустамлакачиликдан халос бўлиш ва Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги Халифаликни тиклаш учун қўзғолон давом этмоқда!» шиори остида оммавий юриш уюштирди.

- Юриш давомида Халифалик ва мусулмонларнинг мустамлакачиликка қарши кураши ҳақида маърузалар қилинди.

- Мақсад ва шиорлар ёзилган байроқлар ва плакатлар кўтарилди.

Умумий ахборот фаолиятлари:

- Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими аъзолари «Роя» газетаси, «Ал-Ваъй» журнали ва бошқа нашрларда ўнлаб баёнотлар ва таҳлилий мақолалар чоп этишди.

Ушбу мақолалардан кўзланган асосий мақсад:

- Мусулмонларга ушбу буюк фожиани эслатиш билан унинг аҳамиятини тушунтириш.

- Халифаликни қайта тиклаш фарз эканлигини эслатиш.

- Мусулмонларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш ва куч-қувват эгаларини шу мақсадга чорлаш.

Кўпгина газеталар ва ахборот агентликлари Ҳизбнинг ушбу кампаниясини, хусусан, Канададаги конференциянинг бекор қилинишини кенг ёритди.

Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими «Халифалик қулатилганининг 104 йиллиги хотирасида ҳижрий 1446,

милодий 2025 йилда Ҳизб ут-Таҳрир дунё бўйлаб амалга оширган фаолиятлар» номли DVD компакт-диск тақдим қилди.

Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлимига қаршли нашрлар ва архивлар бошқармаси томонидан тайёрланган ушбу компакт-диск 6 тилда тақдим этилди.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! □

## ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

ЧИНАКАМ ИХЛОС

Халифа Муҳаммад – Иордания

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مِدَادًا لِكَلِمَاتِ رَبِّي لَنَفِدَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَنْ تَنفَدَ كَلِمَاتُ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا﴾ ﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌُ وَاحِدٌ فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

**«Айтинг:** *«Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар! (Эй Муҳаммад, Уларга) айтинг:* *«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга парвардигорингиз ёлғиз Аллоҳнинг ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)»* [Каҳф 109-110]

Ибн Аббос биринчи оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида (Қуртубий тафсирида келишича) бундай дейди:

Росулуллоҳ ﷺ уларга:

﴿وَمَا أَوْتِيْتُمْ مِّنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا﴾

**«Сизларга жуда оз илм берилгандир»** [Исро 85] деганларида, яҳудийлар: «Қандай қилиб оз бўлсин? Бизга Таврот берилган-ку, кимга Таврот берилган бўлса, унга кўп яхшилик берилган бўлади!», дейишди. Шунда ушбу оят нозил бўлди:

﴿قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مِدَادًا لِكَلِمَاتِ رَبِّي لَنَفِدَ الْبَحْرُ﴾

**(Айтинг:** *«Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари*

**битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!).** Имом Қуртубий шундай давом этади:

«Бошқа бир ривоятда яҳудийлар: «Сенга ҳикмат берилди. Кимга ҳикмат берилган бўлса, унга кўп яхшилик берилган бўлади. Энди эса ўзинг: «Руҳ» ҳақида менда илм йўқ, деяпсан!», дейишди. Шунда Аллоҳ Таоло айтди: Айтинг: Агар менга Қуръон берилган бўлса ҳам, сизга Таврот берилган бўлса ҳам, булар Аллоҳ Таолонинг каломига нисбатан жуда оз».

Бу оят ва умуман бу сура Мадинадаги яҳудийларнинг Қурайш кофирларига «У пайғамбарми ёки йўқми, бунни билиш учун бу ҳақда Муҳаммад ﷺ дан сўранг» деган саволларига жавобан нозил бўлди. Бу саволлар:

1 – Ўтмишдаги йигитлар (Асҳабул-Каҳф) ҳақида, яъни уларнинг ҳолати қандай бўлган?

2 – Шарқ ва Ғарб ўртасида саёҳат қилган киши (Зулқарнайн) ҳақида, у нима ҳақида хабар берган?

3 – Руҳ ҳақида, яъни у нима?

Аввалги икки саволнинг жавоби Каҳф сурасида, учинчи саволнинг жавоби эса Исро сурасида нозил бўлди. Бу ерда сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади. Яъни, гарчи оятнинг сабаби хос (муайян бир воқеа учун нозил қилинган) бўлса-да, унинг фойдаси умумийдир. Бу оят Аллоҳ Таолонинг илми нақадар кенг эканлигини баён қилади.

Ибн Ашур бу оятнинг ушбу сурадаги олдинги оятларга алоқадорлиги ҳақида бундай дейди:

«Бу сура Қуръоннинг қадрини тараннум этиш билан бошланган. Сўнгра унда турли панд-насиҳатлар, огоҳлантиришлар, ажр ҳақида ваъдалар ва азоб таҳдидлари келади. Унда энг яхши тарбиявий қиссалар ривоят қилиниб, халқларнинг яширин ҳоллари айтилади. Сўнгра гап яна Аллоҳнинг илми улуғлигини очиқ-ойдин кўрсатишга ўтади. Бу янги бошланишдир. Аллоҳ Таоло Ўз илмидан пайғамбари ﷺ га берди. Чунки мушриклар унга бир қанча саволлар бериб, у бу саволларнинг жавобини билмайди, деб ўйлашган эди. Аммо Аллоҳ Таоло унга бу саволларнинг жавобларини ўргатди, уларга аниқ ва тўғри жавоб берди ва уларга тушуна оладиган даражада тушунтирди. Бу саволни сўраганларнинг ўзлари ҳам жавобини билишмас эди. Охиргиси Зулқарнайн ҳақидаги хабар

бўлиб, сўнг дарҳол Аллоҳнинг илмининг кенглигини кўрсатувчи оят келди. Бу Аллоҳ Таолонинг хоҳлаган пайғамбарига ўз илмидан хабар беришга қодирлигига далилдир.

«Бу билан суранинг охириги оятлари бошида зикр қилинган оятларга боғланади», дейди у. Бу боғланиш балоғат санъатининг энг яхши усулларида биридир.

Бу оятнинг асосий мавзуси Аллоҳ Таолонинг илмидир, дедик. Бу туганмас, чексиз, мутлақ кенг қамровли илмдир. Оят («فُلٌّ» айт!) дея буйруқ шаклида бошланади. Бу буйруқ Росулulloҳ ﷺ га қаратилган. Бу эса, Аллоҳ Таолонинг муқаддас ваҳийсини одамларга етказиш Пайғамбарнинг вазифаси эканлигига кучли урғудир.

Шундан сўнг оят Аллоҳ Талонинг илми кенглигини жуда ажойиб тарзда тасвирлайди: «Агар барча денгизлар Роббимнинг сўзларини (илм ва ҳикматни) ёзиш учун «мидад», яъни сиёҳ бўлганида – ва нафақат битта денгиз, балки шу денгизга ўхшаш бир нечтаси келтирилса ҳам Аллоҳнинг сўзлари тугамай туриб, денгизлар тугаб қолган бўларди!» «Ёзувчига ёрдамчи» маъносини англатиш учун сиёҳ калимаси «مداداً» деб келтирилмоқда. Яъни Аллоҳнинг сўзларини ёзиш учун ёрдамчи сиёҳ маъносида.

Шайх Шаъровий айтгани каби Аллоҳ Таолонинг сўзлари: бу - «كن» (Бўл!) ва У бўлишини хоҳлаган – биз билган ёки фақат қиёмат кунда биладиган барча нарсалардир».

Албатта, Аллоҳ Таоло осмонлар ва ердаги илмларини Лавҳул-Маҳфузда сақлаганлигини айтди. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

**«(Эй Мухаммад), сиз Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда (яъни Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилгандир). Албатта, бу Аллоҳга осондир»** [Ҳаж 70]

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Уббода ибн Сомит айтади: Росулulloҳ ﷺ нинг шундай деганларини эшитдим:

«إِنَّ أَوَّلَ مَا خَلَقَ اللَّهُ الْقَلَمُ، فَقَالَ لَهُ: اكْتُبْ، فَجَرَى بِمَا هُوَ كَائِنٌ إِلَى الْآبَدِ»

**«Аллоҳ Таоло яратган биринчи нарса қаламдир. Аллоҳ унга: «Ёз!» деди. Қалам қиёматгача бўладиган ҳамма нарсани ёзди».**

Аммо буларнинг барчасига қарамай, Аллоҳнинг мутлақ илми осмонлару ердаги илмлардан кенгроқдир. Унинг сўзлари ана шу чексиз билимнинг бир кўринишидир. Агар ердаги денгизлар сиёҳ бўлса, Аллоҳнинг сўзларини ёзиб тугата олмайди. Аллоҳ Таоло бошқа бир оятда:

﴿وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَجَرَةٍ أَقْلَمٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِنْ بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَا نَفِدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ﴾

**«Агар ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса Аллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир»**

[Луқмон 27]

Агар ер яралган кундан тортиб то қиёмат кунгача бўлган ер юзидаги барча дарахтлар қаламга ва барча денгизлар сиёҳга айлантирилса ҳам, улар Аллоҳнинг сўзларини ёзишга кифоя қилмайди. Аллоҳ Таолонинг илми шу қадар кенги, ҳеч ким Унинг илмини тўлиқ англай олмайди. Оятда айтилганидек:

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

**«Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар»**

[Бақара 255]

Иккинчи оят ҳақида Табарий ўз тафсирида шундай дейди:

«Бу ояти каримада Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади: «Эй Муҳаммад, мушрикларга айтинг: мен ҳам сизларга ўхшаган Одам ﷺ фарзандлариданман. Аллоҳ менга билдирган нарсаларнигина биламан. «Сизлар ибодат қилишингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслигингиз вожиб бўлган зот ёлғиз Аллоҳдир. Ким Роббисидан ва Унга рўбарў бўлиш кунидан қўриб, гуноҳлардан сақланса ва Унга итоат қилгани учун ажр умид қилса, Унга ихлос билан ибодат қилсин ва Уни Ягона Робб деб тан олсин», дея Аллоҳ Таоло менга ваҳий қилди.

Бу оят ҳам худди аввалгиси каби очиқ-ойдин «قل» (айт!) деган буйруқ билан бошланди. Бу Росулүллоҳ ﷺ га буйруқ бўлиб унга: «Мен ҳам сиз каби инсонман», деб айтиш буюрилмоқда. Бундай буйруқ Қуръонда бир неча бор такрорланади. Бу Пайғамбар ﷺ нинг инсон эканликларини,

ундан олдин ўтган барча пайғамбарлар ҳам инсон эканликларини таъкидлаш учундир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ إِلَّا رَجَالًا نُوحِيَ إِلَيْهِمْ﴾

**«(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари ҳам фақат шаҳар аҳлларидадан бўлган (фаришталарни эмас) кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз»** [Юсуф 109]

Аллоҳ Таоло одамларга ўзлари орасидан ўзлари каби бир инсонни пайғамбар қилиб юборади. Кофирлар талаб қилганидек, фаришталарни пайғамбар қилиб юбормайди. Агар ер юзида фаришталар яшаганда эди, Аллоҳ уларга фариштани пайғамбар юборган бўлар эди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ لَوْ كَانَ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَمْسُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَلْنَا عَلَيْهِمْ مِنَ السَّمَاءِ مَلَكَائًا رَسُولًا﴾

**«Айтинг: «Агар бу — Ерда (одамлар эмас, балки) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта Биз, (яъни, Аллоҳ) уларга осмондан фаришта пайғамбарни туширган бўлар эдик»** [Исро 95]

Бунда мантиқий бир ҳикмат ҳам бор. Пайғамбар ﷺнинг ўзи ҳам бошқа одамлар каби бўлганлиги учун, одамларга юкланган вазифалар У зотга ҳам юкланган. Шунинг учун У зот Уммати учун ибрат ва намунадир. Аллоҳ Таолонинг динини сўзи ва амали билан етказди. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда бу маънони шундай таъкидлаган:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَنْ كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ

كَثِيرًا﴾

**«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охираат кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир»** [Аҳзоб 21]

Бу оят Пайғамбар ﷺнинг вазифасини баён қилмоқда: У Аллоҳ Таолонинг ваҳийсини етказувчидир. Росулulloҳ ﷺга ваҳий қилинган биринчи нарса «Илоҳимиз ёлғиз Аллоҳдир» ақидаси эди. Ҳамма пайғамбарлар шу ақида билан келганлар: Улар Аллоҳ Таолони ягона деб тан олиб, ёлғиз У Зотга бандалик қилишга чақирганлар.

Қуръонда Пайғамбарнинг вазифаси фақат етказиш экани очиқ-ойдин қайта-қайта таъкидланган. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا أَلْبَلُغُ أَلْمُبِينِ﴾

**«Пайғамбар зиммасида (сизларни зўрлаб динга киргизиш эмас, балки) фақат (сизларга Ҳақ динни) етказиш бордир»**

[Нур 54]

Росулulloҳ ﷺ инсонларни фақат Аллоҳ Таологагина ибодат қилишга чақиришлари инсон табиатига мос келиб, ақлни қаноатлантиради ҳамда инсоннинг табиий диний ғаризасига ҳам мос келади: бу ғариза инсонни ўзининг ожизлигини, ноқислигини, чекланганлигини ва кимгадир муҳтожлигини ҳис қилишга ундайди. Бундай туйғуни барча нарсанинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳга бўлган иймонгина қондира олади.

Инсоннинг ақли ҳам бундан қаноат ҳосил қилади. Чунки у ўзининг ва атрофидагиларнинг мудаббир Холиққа муҳтожлигини ҳис қилади. Бу гўзал барча мавжудотлар ва бутун борлиқни юргизаётган ажойиб қонунлар буларнинг барчасини тартиблаштирган Яратувчиси бор бўлишини тақозо қилади. Шунинг учун пайғамбарлар Аллоҳни ягона деб билишга, фақат Унгагина бандалик қилишга даъват қилиши инсон ақлини қаноатлантиради қалбига хотиржамлик бахш этади.

Иккинчи оятнинг охириги қисми, яъни суранинг хулосаси Аллоҳ Таолонинг қўйидаги каломидир:

﴿فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

**«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)»**

[Каҳф 110]

Бу оят бир нечта маъноларни ўз ичига олади. Биринчиси, охиратга ишонишдир. Оятда **«Парвардигорига рўбарў бўлишидан»** дейилмоқда. Бу қиёмат кунда Аллоҳга рўбарў бўлишга иймон келтиришни билдиради.

Аллоҳ Таолога рўбарў бўлиш – бу Аллоҳ Таоло мўмин бандаларига чиройли кўрсатган ишдир. Бухорийда келган ҳадисда шундай дейилади:

«مَنْ أَحَبَّ لِقَاءَ اللَّهِ، أَحَبَّ اللَّهُ لِقَاءَهُ، وَمَنْ كَرِهَ لِقَاءَ اللَّهِ، كَرِهَ اللَّهُ لِقَاءَهُ»

**«Ким Аллоҳга рўбарў бўлишни яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга рўбарў бўлишни яхши кўради ва ким Аллоҳга рўбарў бўлишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга рўбарў бўлишни ёмон кўради».**

Шунингдек Росулulloҳ ﷺ ҳам шундай дуо қилар эдилар:

«اللَّهُمَّ اجْعَلْ خَيْرَ عُمْرِي آخِرَهُ، وَخَيْرَ عَمَلِي خَوَاتِمَهُ، وَخَيْرَ أَيَّامِي يَوْمَ الْقَاكَ فِيهِ»

**«Аллоҳим, умримнинг энг яхшиси охиригиси бўлсин, амалларимнинг энг яхшиси охирилари бўлсин ва кунларимнинг энг яхшиси Сенга рўбарў бўладиган куним бўлсин».**

Аллоҳ Таолога рўбарў бўлишни севиш ва умид қилиш икки асосий нарсани талаб қилади. Биринчиси, солиҳ амаллар қилиш, иккинчиси, ибодатда Аллоҳ Таолога ҳеч кимни шерик қилмасликдир.

Солиҳ амаллар – бу Аллоҳ Таоло Росули ﷺнинг тили билан буюрган амаллардир. Солиҳ амаллар нимадан иборатлигини баён қилиш пайғамбарлар ва элчиларнинг вазифасидир. Насоий ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺдан шундай ривоят қилади:

«إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيًّا قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى مَا يَعْلَمُهُ خَيْرًا هُمْ وَيُنْذِرُهُمْ مَا يَعْلَمُهُ شَرًّا هُمْ»

**«Ўз Умматига яхшиликни кўрсатиш ва уларни ёмонликдан огоҳ этиш мендан аввал ўтган ҳар бир пайғамбарнинг вазифаси эди».** (Насоий, Ибн Можа).

Шунинг учун солиҳ амалларни белгилаш инсонларнинг ўзига қолдирилмайди. Чунки инсонларнинг нарсалар ва феъллар устида чиқарган қарорлари бир-бирига зид, муҳитдан таъсирланган ва ўзгарувчан бўлиши мумкин. Инсон ўзига ёққан нарсани яхши, ёқмаган нарсани эса ёмон деб билади. Жиҳод ҳақида нозил бўлган оятда Аллоҳ Таоло бу ўлчовнинг нотўғри эканлигини баён қилди:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهُ لَكُمْ وَعَسَىٰ أَن تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَن تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Сизларга ёқмас-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз»**

[Бақара 216]

Демак, ҳақиқатда солиҳ амал – бу пайғамбарлар белгилаган амаллардир. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ келиши билан аввалги шариатлар бекор қилинди, шунга кўра яхши амаллар фақат Муҳаммад ﷺ келтирган шариат билан белгиланиши лозим.

Оятнинг охири қисмидаги иккинчи масала, ибодатда Аллоҳ Таолога ҳеч кимни шерик қилмасликдир. Бу фақат Аллоҳ Таолога ибодат қилиш демакдир. Бироқ бу ерда «ибодат» тушунчаси кенгроқ маънода қўлланилмоқда: бу фақатгина намоз, рўза, зикр каби ибодатларни эмас, балки Аллоҳ Таолонинг ягона қонун чиқарувчиси сифатида тан олиб, унга мутлақ итоат қилишни англатади.

Табароний, Термизий ва Байҳақий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Адий ибн Хотим رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларига келганда (у пайтда Адий насроний эди) У зот қуйидаги оятни ўқиётган эдилар:

﴿اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих ибн Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга маъмур (бужурилган) эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир»** [Тавба 31]

Шунда Адий ибн Хотим رضي الله عنه: «Биз уларни Парвардигор деб билмаймиз», деди. Росулulloҳ ﷺ эса шундай жавоб бердилар:

«أليس يجرمون ما أحلَّ الله فتحرمونه، ويحلون ما حرمَّ الله فتحلونه؟»

**«Улар Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилсалар, сиз ҳам уни ҳаром деб ҳисоблайсизми? Улар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилсалар, сиз ҳам уни ҳалол деб биласизми?».**

Адий رضي الله عنه «Ҳа», деб жавоб берди. Шунда Росулulloҳ ﷺ «Мана шу сизнинг уларни Парвардигор деб билишингиздир», дедилар.

Бинобарин, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш – бу нафақат «У Зот бизларни яратган ягона Аллоҳдир» деб тан олишни, балки ҳалол ва ҳаром ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқини ҳам У Зотга бериш ҳамда У Зотнинг амрлари ва наҳийларига сўзсиз итоат қилишни ҳам талаб қилади.

Шунингдек ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш мўмин бандадан ихлос, яъни ибодатда пок ният билан ёлғиз Аллоҳга юзланишни ва ибодатни риё (хўжақўрсин) ёки суъма (обрў-этибор кутиш) каби нарсалар билан аралаштириб юбормасликни талаб қилади.

Имом Муслим ўзининг «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Жундуб رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда, Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ يُسْمَعُ يُسْمَعِ اللَّهُ بِهِ، وَمَنْ يُرَائِي يُرَائِي اللَّهُ بِهِ»

**«Кимки (ўз амалларини) одамларга эшиттирмоқчи бўлса, Аллоҳ уни эшиттириб қўяди, ким (ўз амалларини) одамларга кўрсатишни истаса, Аллоҳ уни кўрсатиб қўяди».** (Саҳиҳи Муслим).

Яна Имом Муслим Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«قال الله تعالى: أنا أغنى الشركاء عن الشرك، مَنْ عَمِلَ عَمَلًا شَرَكًا فِيهِ مَعِيَ تَرَكَتُهُ وَشِرْكُهُ»

**«Аллоҳ Таоло деди: Мен ширк келтирувчиларнинг ширкидан беҳожатман. Ким менга бошқани шерик қилса, унинг ўзини ҳам, ширкини ҳам тарк этаман».** (Муслим ривояти).

Шундай экан, ким Аллоҳ Таолога рўбарў бўлишни яхши кўрса ва ундан умидвор бўлса, у Аллоҳ Таолони яратувчи ва ҳукм қўювчи ягона Зот эканлигига иймон келтирсин, фақат Ундангина мадад сўрасин, фақат Унгагина таваккал қилсин, фақат Ундангина қўрқсин ва умидини фақат Унгагина боғласин, Аллоҳ Таоло буюргандек солиҳ амаллар қилсин, ҳаётида ҳалол ва ҳаромни асосий ўлчов қилиб олсин.

Оятнинг охирги қисми – «Каҳф» сурасининг хотимаси жуда муҳим бир масалага эътибор қаратади. Бу инсон ҳаётидаги энг катта тугунни тўғри ечиш масаласидир. Ушбу оят инсондаги тадайюн ғаризасидан келиб чиққан учта асосий саволга жавоб беради:

1 – Мен қаердан келдим?

2 – Мен нима учун яратилганман?

3 – Мен қаерга бораман?

Бу саволларга жавоблар қуйидагича:

Бизни Аллоҳ Таоло яратиб, ишларимизни ва бутун коинот ишларини тартибга солди. У бизни Ўзига ибодат қилишимиз ҳамда амр ва наҳийларига итоат қилишимиз учун яратди. Биз ҳисоб-китоб қилиниш, жазо ёки мукофот олиш учун қиёмат кунида У Зотнинг ҳузурига қайтамыз.

Аллоҳ Таолодан бизларни солиҳ бандаларидан қилишини ва бизни Аллоҳ Таолога рўбарў бўлишни севиб, У Зотнинг розилиги ва жаннатидан умидвор бўлганлардан қилишини сўраймиз. Яна Мусулмонлар учун тоат аҳли ҳурматга сазовор бўладиган, итоатсизлар эса, хор бўладиган тўғри йўлни қарор топтиришини сўраймиз. □

**АБУ БАКР СИДДИҚ ﷺ НИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҲАҚНИ  
 УШЛАШ ВА УНИ БАРАЛЛА ҲАЙҚИРИШДА ҲАР БИР  
 МУСУЛМОН УЧУН ДОИМО НАМУНАДИР**

**Моҳир Даъбий – Яман**

**Исми-шарифи, лақаби ва сифатлари**

Абу Бакр Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳафа Усмон ибн Омир Таймий Қураший ҳижратдан аввал 50 йилда туғилиб, ҳижратдан кейин 13 йилда (милодий 573 - 634) вафот этган. Абу Бакрга «Сиддиқ, Соҳиб, Атийқ, Атқо, Авваҳ» каби турли лақаблар берилган. Ҳар бир лақаб ортида Абу Бакрнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ҳодисалар мавжуд. Улар орасида энг машҳури «Сиддиқ» (ихлос билан иймон келтирган) лақаби эди. Чунки мушриклар Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, рисолатни ёлғонга чиқараётган оғир замонда Абу Бакр ушбу фазилатини намоён этган эди.

Абу Бакр жоҳилият даврида ҳам бир қанча яхши сифатлари билан танилган эди. Улардан бири арабларнинг насл-насаби ва тарихи ҳақида чуқур билимга эгалиги эди. Чунки Расулуллоҳ ﷺ:

«فَإِنَّ أَبَا بَكْرٍ أَعْلَمُ قُرَيْشٍ بِأَنْسَابِهِمَا»

«Қурайш қабиласининг насл-насабини энг яхши биладиган киши Абу Бакрdir» деган эдилар. (Муслим ривояти).

Абу Бакр ﷺ савдогар эди. Ибн Касир шундай ёзади: «У хушмуомалали ва обрўли савдогар эди. Унинг билими, тижорати ва одамларга яхши муносабати туфайли қавми уни ҳурмат қилар ва у билан ҳамсуҳбат бўлишни яхши кўрар эди». Унинг тижорат сармояси 40000 дирҳам эди. Баъзилар уни: «Макка аҳли Абу Бакр билан суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўрарди, чунки у одобли, ақлли, сабрли,

мулойим, саховатли, ростгўй, камтар, вазмин ва виқорли инсон эди», деб сифатлашган.

Абу Бакр жоҳилият даврида ҳам бутларга сиғиниш, маст қилувчи ичимликларни ичиш, фақирликдан қўрқиб фарзандларини ўлдириш каби жоҳилият аҳлининг ишларини қилмаган. У қавми билан фақат гўзал ахлоқ ва юксак фазилат билан гаплашар эди.

Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنهнинг таржимаи ҳоли муҳим воқеа-ҳодисаларга ва иймон ҳиди уфуриб турган қаҳрамонликларга тўладир. Унинг шахсияти эса гўзал фазилатлар билан ўралган ва олийжаноб одоб-ахлоқ билан безатилган эди. У биринчилардан бўлиб иймон келтирган ва одамларни Аллоҳнинг йўлига даъват этган киши эди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни ҳимоя қилиш ва динни тарғиб қилишда устун эди. Аллоҳ учун мол-мулкани сарфлашда унга тенг келадигани йўқ эди. Аллоҳ йўлида азият чеккан биринчи киши ҳам Абу Бакр эди.

Шунингдек, у киши Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ҳижрат йўлдоши, ҳар қандай вазиятда ҳам ажралмас ҳамроҳи эди. У Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни энг яхши биладиган сирдоши ва энг суюкли дўсти эди. У қийин пайтларда ва катта синовлар қаршисида ҳал қилувчи позициялари билан машҳур эди. Ислондаги биринчи халифа, диннинг ёрдамчиси ҳамда ақида ва ҳукмларни ҳимоя қилгувчиси ва Аллоҳ йўлидаги мужоҳид бўлган Абу Бакр Сиддиққа Аллоҳ Таоло Қуръонни жамлаш вазифасини насиб этди.

Абу Бакр رضي الله عنه тақводор, меҳрибон, мард, раҳм-шафқатли, мулойим, қатъиятли, ақлли ва узоқни кўра оладиган инсон эди. Унинг сифатларини бир бутун қилиб айтадиган бўлсак, қандай фазилатли сифат бўлмасин, Абу Бакр ундан насибадор эди. У ҳар қандай солиҳ амални биринчилардан бўлиб қилишга ҳарис эди».

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда бундай келади:

Росулulloҳ «Кимингиз бугун рўзадор ҳолда тонг оттирди?» деб сўрадилар.

Абу Бакр رضي الله عنه: «Мен», деди.

Росуллоҳ ﷺ: «Орангиздан ким бугун жанозада қатнашди?» деб сўрадилар.

Абу Бакр رضي الله عنه: «Мен», деди.

Росуллоҳ ﷺ: «Кимингиз бугун бир мискинни тўйдирди?» деб сўрадилар.

Абу Бакр رضي الله عنه: «Мен», деди.

Росуллоҳ ﷺ: «Сизлардан ким бугун бир беморни кўргани борди?» деб сўрадилар.

Абу Бакр رضي الله عنه: «Мен», деди.

Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилдилар:  
«Бу фазилатларни ўзида жамлаган киши албатта жаннатга киради». (Мусулмон ривояти).

Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه ҳаётидаги бу каби воқеалар ҳар бир мусулмоннинг ҳақ устида собит туриши ва Аллоҳ Таолонинг динига очиқ даъват қилиши учун маёқ бўлиб қолишга лойиқдир. У сабр-тоқатда, оғир вазиятларни оқилона ҳал этишга, ихлос билан даъват қилишга, Аллоҳ Таолонинг каломини олий қилишда биз ундан таълим олишимиз лозим бўлган юксак намунадир.

### **Унинг биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилиши**

Росуллоҳ ﷺга рисолат юборилгач, дўсти Абу Бакрни Исломга даъват қилдилар. Абу Бакр ҳеч иккиланмай, дарҳол Исломни қабул қилди. У эркаклар орасида Исломни қабул қилган биринчи киши бўлди. Ёш болалардан эса Али رضي الله عنه биринчи бўлиб Исломни қабул қилган эди. Абу Бакр رضي الله عنه Исломни қабул қилганларида, Росулulloҳ ﷺнинг қалблари шодликка тўлди.

Ҳофиз Абу Ҳасан Атробулусий Ибн Касирдан у киши Оиша онамиздан ривоят қилади: «Абу Бакр رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺ билан учрашиш мақсадида чиқди. У жоҳилият даврида ҳам Росулulloҳ ﷺнинг дўсти эди. Абу Бакр У зотни кўргач: «Эй Абулқосим, қавмингизнинг йиғинларида кўринмай қолдингиз. Улар сизни ота-оналарини ҳақорат қилишда айблашяпти», деди.

Росулulloҳ ﷺ унга: «Мен Аллоҳнинг элчисиман, сизни Аллоҳга даъват қиламан», дедилар. Гапларини тугатгач, Абу Бакр дарҳол иймон келтирди. Шунда Росулulloҳ ﷺ у кишининг ёнидан кетар эканлар, ҳеч кимнинг Исломни қабул қилганидан бунчалик қувонмаган эдилар».

Ибн Исҳоқ ривоятида келишича, Росулulloҳ ﷺ Абу Бакр رضي الله عنهнинг Исломни қабул қилганини шундай хотирлайдилар:

«مَا دَعَوْتُ أَحَدًا إِلَى الْإِسْلَامِ إِلَّا كَانَتْ عِنْدَهُ كِبَوَةٌ وَتَرَدُّدٌ وَنَظْرٌ، إِلَّا أَبَا بَكْرٍ، مَا عَكَمَ مِنْهُ حِينَ ذَكَرْتُهُ وَمَا تَرَدَّدَ فِيهِ»

«Кимни Исломга даъват қилсам, биров тараддуланиб ва ўйланиб, сўнг қабул қилар эди. Аммо Абу Бакрда бундай нарсалар бўлмади. Унга айтганимда дарҳол қабул қилди». (Ибн Ҳишом: عكم сўзи «кечикди» деган маъносини билдиради).

Росулulloҳ ﷺ яна бундай марҳамат қилдилар:

«هَلْ أَنْتُمْ تَارِكُونَ لِي صَاحِبِي، هَلْ أَنْتُمْ تَارِكُونَ لِي صَاحِبِي؟ إِنْ قُلْتَ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا، فَقُلْتُمْ كَذِبًا، وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ صَدَقْتُ»

«Сизлар дўстимни тинч қўясизларми, сизлар дўстимни тинч қўясизларми? Ахир, мен – эй инсонлар, мен сизларга юборилган Аллоҳнинг росулиман, деганимда – ёлғон айтяпсан, дедингиз. Абу Бакр эса – рост сўзладингиз, деди». (Бухорий ривояти).

Абу Бакрнинг иймони шу қадар кучли эдики, агар унинг иймони тарози палласига қўйилса бутун дунё аҳлининг иймонидан оғир келарди. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Бир куни Росулulloҳ ﷺ олдимизга чиқиб бундай дедилар:

«رَأَيْتُ أَنْفًا كَأَنِّي أُعْطِيتُ الْمَقَالِيدَ وَالْمَوَازِينَ، فَأَمَّا الْمَقَالِيدُ فَهَذِهِ الْمَفَاتِيحُ، وَأَمَّا الْمَوَازِينُ فَهِيَ الَّتِي تَرْتَوْنَ بِهَا، فَوُضِعَتْ فِي كِفَّةٍ وَوُضِعَتْ أُمَّتِي فِي كِفَّةٍ فَرَجَحَتْ بِهِنَّ، ثُمَّ

جِيءَ بِأَبِي بَكْرٍ فَرَجَحَ، ثُمَّ جِيءَ بِعَمْرٍو فَرَجَحَ، ثُمَّ جِيءَ بِعُثْمَانَ فَرَجَحَ، ثُمَّ رُفِعَتْ، قَالَ:  
فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ: فَأَيُّنَ نَحْنُ؟ قَالَ: حَيْثُ جَعَلْتُمْ أَنْفُسَكُمْ»

«Ҳозиргина менга тарози ва очқичлар берилганлигини кўрдим. Очқичлар бу калитлардир. Тарози эса сиз билган тарози. Мени бир тарозининг палласига, Умматимни иккинчи палласига қўйишди. Мен улардан оғир келдим. Кейин Абу Бакрни қўйишди, у ҳам оғир келди. Кейин Умарни қўйишди, у ҳам оғир келди. Кейин Усмонни қўйишди, у ҳам оғир келди. Кейин тарози кўтарилди. Шунда бир киши: биз қаердамиз? (яъни бошқаларнинг тарозидаги аҳволи қандай бўлади) деб сўраганда – Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: Ўзингизни қўйган тарозидасиз (яъни, ҳар бирингиз амалингизга қараб тортиласиз)». (Аҳмад, Ибн Шайба ва Табароний ривоятлари).

#### **Исломга даъват қилиши ва бу йўлдаги жасоратлари**

Абу Бакр رضي الله عنه одамларни Исломга даъват қилишда алоҳида мавқега эга эди. У киши атрофидагиларни Аллоҳ Таолонинг динига даъват қилиш йўлида фаол иш олиб борди ва бу соҳада кўплаб буюк ишларни амалга оширди.

Унинг қўлида кўплаб саҳобалар Исломни қабул қилишди. Зубайр ибн Аввом, Усмон ибн Аффон, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Усмон ибн Мазъун, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Салама ибн Абдул Асад ва Арқам ибн Абу Арқам шулар жумласидан. Шунингдек, Абу Бакр ўз оиласини ҳам Исломга даъват қилди. Натижада қизлари Асмо ва Оиша, ўғли Абдуллоҳ, хотини Умму Румон ва хизматкори Амир ибн Фухайралар иймон келтиришди.

#### **Очиқ даъват ва Маккадаги жасорат**

Абу Бакр رضي الله عنه Маккадаги мусулмон жамоатнинг яширин даъватдан очиқ даъватга чиқишини ва Исломни очиқ-баралла эълон қилишини Росулulloҳ ﷺ дан доимий равишда сўрар эди.

Ибн Касир «Бидоя ва Ниҳоя» деган асарида Оиша онамиз رضي الله عنها дан шундай ривоят қилади:

«Росулulloҳ ﷺнинг 38 нафар саҳобалари бир ерга тўпланганда, Абу Бакр Росулulloҳ ﷺдан яширин даъватдан очиқ даъватга чиқишни сўради. Аммо Росулulloҳ ﷺ: «Эй Абу Бакр, биз озчиликмиз», дедилар. Лекин Абу Бакр қайта-қайта қаттиқ илтимос қилганидан кейин Росулulloҳ ﷺ рози бўлдилар. Ҳар бир мусулмон масжид атрофидаги ўз қабиласининг ёнига борди. Абу Бакр ﷺ халқ олдида туриб, уларга хитоб қилди ва у Исломга очиқ даъват этган биринчи даъватчи бўлди. Шунда мушриклар Абу Бакр ва мусулмонларга ташланиб, қаттиқ тепкилаб, калтаклашди. Утба ибн Рабиа ковуши билан унинг юзига тепди, сўнг қорнига сакраб, уни шундай қаттиқ тепкиладик, ҳатто юзи таниб бўлмайдиган ҳолга келди.

Шунда Бану Тайм қабиласидагилар келиб, мушрикларни Абу Бакрдан узоқлаштиришди. Сўнг Абу Бакрни кийимидан кўтариб, уйига ташлаб кетишди. Улар уни ўлиб қолди, деб ўйлашган эди. Кейин Бану Тайм масжидга қайтиб келиб «Агар Абу Бакр ўлса, Утба ибн Рабиани ўлдирамиз», деб қасам ичишди. Сўнг Бану Тайм қабиласидагилар яна Абу Бакрнинг олдига қайтиб, Абу Қаҳофа (Абу Бакрнинг отаси) билан бирга Абу Бакрга (бу йўлидан қайтиши учун унга узоқ вақт) гапиришди. Абу Бакр уларга кечга яқин жавоб қилди ва биринчи айтган сўзи: «Росулulloҳ ﷺга нима бўлди» деган сўз бўлди.

Улар эса Абу Бакрга қаттиқ танбеҳ беришди. Кейин онаси Уммул Хайрга «Унга қара, овқат бер ёки бирор нарса ичир» дейишди. Онаси у билан ёлғиз қолгач, овқат ейишга мажбурлади, лекин у рад этиб «Росулulloҳ ﷺга нима бўлди» деб такрор-такрор сўрарди.

Онаси унга «Аллоҳга қасамки дўстингга нима бўлганини билмайман» деди. Шунда Абу Бакр «Хаттобнинг қизи Умму Жамилга бориб, у зот ҳақида сўранг» деб илтимос қилди.

Онаси Умму Жамилни олдига бориб, унга (ўшанда у Иймонини махфий тутар эди): «Абу Бакр Муҳаммад ибн

Абдуллоҳ ҳақида сўраяпти» деди. Умму Жамил «Абу Бакрга ҳам Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ҳам нима бўлганини билмайман. Агар хоҳласанг, сен билан бирга ўғлингни олдига борамиз», деди. Уммул Хайр: «Майли» деди. Умму Жамил у билан бирга бориб, Абу Бакрни оғир яраланганини кўрди. Сўнг йиғлаб, унга яқинлашиб «Аллоҳга қасамки, сизга бу ишни қилган фисқ ва куфр аҳлидир, Умид қиламанки, Аллоҳ сиз тўғрингизда улардан ўч олади» дея нола қилди.

Абу Бакр: «Росулуллоҳга нима бўлди?», деб сўради. У «онангиз бунни эшитяпти», деди. Абу Бакр «Ундан сенга зарар келмайди», деди. Шунда Умму Жамил «Унинг аҳволи яхши, соғ-саломат», деб жавоб берди.

Абу Бакр: «У қаерда?», деб сўради. Умму Жамил «Арқамнинг ҳовлисида», деб жавоб берди. Шунда Абу Бакр «Аллоҳга қасамки, Росулуллоҳни кўрмагунимча овқат ҳам емайман, сув ҳам ичмайман», деб туриб олди. Шундай қилиб, улар оёқ товушлари тинчигунича туришди. Одамлар тинчигач, Абу Бакр иккисига суюниб, Росулуллоҳнинг ҳузурига боришди.

Росулуллоҳ уни қучоқлаб ўпдилар ва одамлар ҳам уни қучоқладилар. Росулуллоҳ унга қаттиқ раҳми келди. Абу Бакр: «Отам ва онам фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Росули, менга фосиқнинг юзимга жароҳат етказганидан бошқа ҳеч нарса бўлмади. Бу менинг ўз ўғлига меҳрибон онамдир, сиз барокатлисиз, у учун Аллоҳга дуо қилинг, шояд сиз туфайли Аллоҳ уни жаҳаннамдан қутқарса» деди. Росулуллоҳ Абу Бакрнинг онаси учун Аллоҳга дуо қилдилар ва у Исломни қабул қилди.

Абу Бакр Билол ибн Рабоҳ азобланаётганини билгач (у Умайя ибн Халафнинг қули эди), азобланаётган жойига бориб, Умайя билан музокара қилди ва Билолни сотиб олиб, сўнг Аллоҳнинг розилиги учун уни озод қилди. Абу Бакр бундан бошқа Исломни қабул қилган бир неча қул ва чўриларни ҳам сотиб олиб озод қилди. Улар Омир ибн

Фаҳира, Умму Абис (ёки Умму Амис) ва Занийралар эди. Шунингдек, Абу Бакр яна Наҳдийя ва унинг қизини ҳам озод қилди. Бану Мўмални чўриси Лабийнани ҳам сотиб олиб, озод қилди, у ҳам Исломни қабул қилган эди.

### **Ҳижрат ва Росулulloҳга ҳамроҳ бўлиши**

Абу Бакр Росулulloҳ ﷺ билан бирга ҳамроҳ бўлиб ҳижрат қилишни қаттиқ хоҳлаган ва шунга тайёрланган эди. Ибн Исҳоқ айтади: Абу Бакр бадавлат киши эди. У Росулulloҳ ﷺ дан ҳижрат қилишга изн сўраганларида, Росулulloҳ ﷺ унга: «Шошилманг, шояд Аллоҳ сизга ҳамроҳ топса» дедилар. Росулulloҳ ﷺ бу гапни айтганда ўша ҳамроҳ ўзи бўлишини хоҳлаган эди. Шунда Абу Бакр иккита тўя сотиб олиб, ҳижрат қилишга тайёрлаб, уларни емлай бошлади.

Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها айтади: Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарига ҳижрат қилиши учун изн бергач, Росулulloҳ ﷺ уйдан у кишини ўлдириш учун йиғилган оломон ичидан соғ омон чиқиб, Абу Бакрнинг уйига борди. Оиша онамиз нима бўлганини бундай ривоят қилади: «Росулulloҳ ﷺ бизникига ҳар доим ё эрталаб ёки кечқурун келар эдилар. Лекин Аллоҳ у кишига ҳижрат қилиш ва қавми орасидан Маккадан чиқишга изн берган кунни ўзи одатланмаган пайтда келдилар. Абу Бакр у кишини кўргач «Росулulloҳ ﷺ фақат бир муҳим иш учун бундай пайтда келади» деди. Росулulloҳ ﷺ уйга киргач, Абу Бакр ётоғидан у кишининг олдига тушди. Шунда Росулulloҳ ﷺ ўтирдилар, у ерда мен ва синглим Асмодан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Росулulloҳ ﷺ «Ҳузурингиздагиларни чиқариб юборинг» дедилар. Абу Бакр: Эй Аллоҳнинг элчиси, улар менинг қизларим, Ота ва онам сизга фидо бўлсин, нима гап ўзи?» деб сўраганида, Росулulloҳ ﷺ: «Аллоҳ Таоло менга чиқишга ва ҳижрат қилишга изн берди», дедилар.

Абу Бакр «Бирга чиқамизми? Эй Аллоҳнинг элчиси?», деб сўраганда, Росулulloҳ ﷺ «Ҳа бирга чиқамиз» деб

жавоб қилдилар. Оиша رضي الله عنها айтади: «Аллоҳга қасамки, мен ўша кунни Абу Бакрнинг хурсандчиликдан йиғлаганидек бирор кишининг йиғлаганини кўрмаган эдим».

Абу Бакр барча пулларини олиб, моли ва жонини Росулulloҳ ﷺ учун тиккан ҳолда у киши билан Савр ғорига чиқди. Абу Бакр Росулulloҳ ﷺга бирор озор ёки мусибат етмаслигини қаттиқ хоҳлар эди.

Муҳаммад ибн Сирин айтади: «Умар رضي الله عنهнинг даврида бир қанча кишилар Умарни Абу Бакрдан афзалдек ҳисоблашди. Бу хабар Умар رضي الله عنهга етиб боргач, у шундай деди: «Аллоҳга қасамки, Абу Бакр ўтказган бир кеча Умар оиласидан яхшироқдир, Абу Бакр ўтказган бир кун Умар оиласидан яхшироқдир. Чунки Росулulloҳ ﷺ ғорга қараб йўлга чиққанларида у киши билан Абу Бакр бирга эди. Абу Бакр ўшанда бир соат Росулulloҳнинг олдиларида ва бир соат у кишининг ортларида юрарди. Ҳатто Росулulloҳ ﷺ бунни сезиб, унга «Эй Абу Бакр нима учун бир олдимда, бир ортимда юряпсиз?», деб сўрадилар. Шунда Абу Бакр: «Эй Аллоҳнинг элчиси улар сизни излашаётганини эслаганимда ортингизда, пистирмани эслаганимда олдингизда юряпман», деди. Росулulloҳ ﷺ «Эй Абу Бакр, бирон нарса бўлса (яъни ёмон ҳолат) мендан кўра ўзингизга бўлишини хоҳлайсизми? – дедилар. Абу Бакр: «Ҳа, сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, агар бирон мусибат бўлса, сизга эмас, балки ўзимга бўлишини хоҳлайман» деди. Улар ғорга етгач, Абу Бакр «Эй Аллоҳнинг элчиси сиз шу ерда кутиб туринг, мен уни кўздан кечириб, тозалаб чиқай» деди ва кириб ғорни тозалади. Ғорнинг юқори томонига етгач, унинг ён томонларини тозаламагани эсига тушиб «ғорнинг ён томонларини тозалаганимгача сиз шу ерда кутиб туринг», деди ва кириб унинг ён томонларини ҳам тозалади. Сўнг, «Эй Аллоҳнинг Росули кираверинг», деди. Росулulloҳ ﷺ кириб ўтирдилар. Умар رضي الله عنه айтади: «Жоним қўлида

бўлган зотга қасамки, Абу Бакрнинг мана шу туни Умарнинг оиласидан яхшироқдир». Саҳиҳ ҳадис.

Мушриклар Росулulloҳ ﷺнинг изидан қувиб, ҳатто Савр тоғидаги ғоргача етиб боришди. Лекин Аллоҳ Таолонинг Ўз пайғамбарига бўлган лутфи ва қўллаб-қувватлаши туфайли улар ноумид бўлиб ортга қайтишди. Абу Бакр Сиддиқ шундай ривоят қилади: «Ғорда турганимизда мен Росулulloҳ ﷺга: Агар бирортаси оёғини тагига қараганда бизни кўриб қолган бўлар эди, дедим. Шунда Росулulloҳ ﷺ

﴿مَا ظَنُّكَ يَا أَبَا بَكْرٍ! بِأَنَّيْنِ اللّٰهَ تَالِهُمَا؟﴾

«Эй Абу Бакр, учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида гўмондамисиз», дедилар». (Бухорий ривояти).

Аллоҳ Таоло бу ҳақда қиёматгача тиловат қилинадиган оят нозил қилди:

﴿إِلَّا تَنْصُرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللّٰهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيٍۢ أَثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللّٰهَ مَعَنَا فَأَنْزَلَ اللّٰهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُ بِجُنُودٍ لَّمْ تَرَوْهَا وَجَعَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ كَفَرُوا السُّفْلَىٰ ۗ وَكَلِمَةُ اللّٰهِ هِيَ الْعُلْيَا ۗ وَاللّٰهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Агар сизлар унга (яъни, пайғамбарга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг Ўзи унга ёрдам қилур). Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни, фаришталар) билан қўллаб-қувватлади ҳамда кофир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди, Аллоҳнинг сўзигина юксак сўзdir. Аллоҳ қудратли, ҳикматлиdir» [Тавба 40]

Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр ғорда уч кеча туриб, сўнг Мадина томон йўл олдилар. Мадинага етгунича қидирувдан омонда бўлдилар.

## Росулulloҳ ﷺнинг дўсти, вазири ва ўқдондаги икки ўқи

Абу Бакр сиддиқ رضي الله عنه барча сафарларида ва истиқоматларида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан ҳеч ҳам ажралмайдиган ҳамроҳи, вазири, маслаҳатчиси, улфати ва одамлар ичида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمга энг суюклиси эди. Абу Бакр Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم билан барча ғазотларда бирга бўлди. Табук ғазоти учун барча бойлигини бериб юборди, ҳатто оиласи учун ҳам ҳеч нарса қолмади, балки ўзи учун Аллоҳнинг розилигини сотиб олди. Абу Бакр яхшиликлар борасида доим олдинда эди. Бу борада у билан беллашганлар қийналиб қолишар ва ундан бирор марта ҳам ўзиб кета олмаганликларини тан олишар эди.

Абу Бакр رضي الله عنه Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни энг яхши кўрадиган ва энг яхши биладиган одам эди. Абу Саид Худрийдан ривоят қилинишича, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم минбарга чиқиб, бундай дедилар:

«إِنَّ عَبْدًا خَيْرُهُ اللَّهُ بَيْنَ أَنْ يُؤْتِيَهُ مِنْ زَهْرَةِ الدُّنْيَا مَا شَاءَ، وَبَيْنَ مَا عِنْدَهُ، فَاخْتَارَ مَا عِنْدَهُ»

«Аллоҳ Таоло бир бандасига дунё неъматларидан хоҳлаганича бериши ёки Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани олиши танловини берганиди, бандаси Аллоҳ ҳузуридаги нарсани танлади». Абу Бакр буни эшитиб йиғлаб юборди ва «Отамиз ҳам, онамиз ҳам сизга фидо бўлсин!» деди. Шунда биз ажабландик ва одамлар «Бу шайхни қаранглар, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Аллоҳ Таоло бандасига дунё неъматларидан хоҳлаганича бериши ёки Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани олиши танловини берганини айтаётган бўлса-ю, у ота ва онамизни сизга фидо қилдик, демоқда» дейишди. Лекин ўша имконият берилган киши Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم эди, буни бизга Абу Бакр билдирди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم яна шундай дедилар:

«إِنَّ مِنْ أَمَنِ النَّاسِ عَلَيَّ فِي صُحْبَتِهِ وَمَالِهِ أبا بَكْرٍ، وَلَوْ كُنْتُ مَتَّخِذًا خَلِيلًا مِنْ أُمَّتِي

لَا تَخَذْتُ أبا بَكْرٍ، إِلَّا خَلَّةَ الْإِسْلَامِ، لَا يَبْقَيْنَ فِي الْمَسْجِدِ خَوْحَةٌ إِلَّا خَوْحَةُ أَبِي بَكْرٍ»

«Одамлар ичида менга дўстлик қилиш ва молини сарфлашда энг яқин инсон Абу Бакрdir. Агар мен

Ўзимга дўст ушлашим керак бўлганида албатта Абу Бакрни танлар эдим. Лекин Ислом биродарлиги барчасидан афзалдир. Одамлар масжидга очиб олган эшикларнинг ҳаммасини ёпинглар, Аммо Абу Бакрнинг эшиги қолсин». (Бухорий ривояти).

#### **Абу Бакр ҳозиржавоб ва кескин позицияли киши эди**

Бу нарса бир неча муносабатларда, айниқса, Росулulloҳ ﷺнинг вафотида кўзга яққол ташланди. Бундан ташқари, муртадларга ва закот беришдан бош тортган кишиларга қарши жанг қилишда қаттиқ турганида ҳам бу нарса кўринди. Ўшанда бу иш давлатни, ақидани ва Ислом ҳукмларини сақлаб қолинишига сабаб бўлган эди.

#### **Росулulloҳ ﷺнинг вафотлари**

Росулulloҳ ﷺнинг вафотлари саҳобаларга оғир ботди. Улар ҳайрат, изтироб ва саросимага тушиб қолишди. Уларнинг баъзилари гапира олмаса, баъзилари ўтирган еридан тура олмай қолди, баъзилари эса у зотни ўлмаган дейишди. Абу Бакр Росулulloҳ ﷺнинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитди. Саҳиҳ Бухорийда келганидек, ўша пайтда у бошқа ерда эди: «Росулulloҳ ﷺ вафот этган кун Абу Бакр Сунҳда эди, Исмоилнинг айтишича, Олияда эди. Шунда Умар турдида, «Росулulloҳ ﷺ ўлмади, Аллоҳга қасамки, менга бундан бошқа нарса келмаяпти. Аллоҳ Таоло у зотни қайта юборади ва у зотни ўлди деб гап тарқатганларни қўл ва оёқларини кесади», деди. Абу Бакр келгач, Росулulloҳ ﷺнинг юзини очиб ўпди ва «Отанам сизга фидо бўлсин, тириклигингизда ҳам хушбўй эдингиз, вафот этганингиздан кейин ҳам хушбўйсиз. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ сизга ҳеч қачон икки марта ўлим бермайди», деди. Сўнг чиқиб «Тинчланинглар», деди. Абу Бакрнинг гапини эшитгач, Умар гапидан тўхтаб ўтирди. Абу Бакр Аллоҳга ҳамду санолар айтиб бўлгач «Огоҳ бўлинг ким Муҳаммад ﷺга ибодат қилган бўлса, Муҳаммад ўлди, ким Аллоҳга

ибодат қилса, Аллоҳ ўлмайдиган тирик Зотдир», деб Аллоҳнинг қуйидаги икки оятини тиловат қилди:

﴿إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар» [Зумар 30]

﴿وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإَيْنَ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ﴾

«Муҳаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни Муҳаммад алайҳис-салом) вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга (куфрга) қайтиб кетасизми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас, (балки фақат ўзига зарар қилади, холос). Аллоҳ эса (ўйларидан қайтмай) шуқр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди» [Оли Имрон 144]

#### Бану Соида айвонидаги байъат

Одамлар Росулulloҳ ﷺнинг вафот этганини билгач, ансорлар Росулulloҳ ﷺнинг халифаси сифатида Саъд ибн Уббодага байъат қилиш учун йиғилди. Шунда Абу Бакр, Умар ва Абу Убайдалар ансорларнинг нима учун йиғилганидан хабар топишди. Сўнг ансорларни мақсадидан қайтариш учун айвонга келишди ва уларга бу ишга Қурайшдан бўлган муҳожирларнинг, хусусан Абу Бакрнинг Халифаликка ҳақлироқ эканига ҳужжат келтиришди. Сўнг айвондагилар Абу Бакрга байъат беришди ва Абу Бакр мусулмонларни бирлаштириш ва сўзларини жамлаш учун Халифаликни қабул қилди.

Абу Бакр Халифаликни қабул қилганлиги учун узр сўраб, бундай нутқ сўзлади: «Аллоҳга қасамки, мен бир кеча-кундуз бўлса ҳам амир бўлишга қизиққан эмасман.. Мен амирликни ҳавас ҳам қилмаганман ва Аллоҳ Таолодан на ошкора ва на яширинча сўрамаганман. Лекин мен фитнадан қўрқдим, ҳолбуки менга амирликда роҳат йўқ. Мен бир буюк ишни зиммамга олдимки, агар Аллоҳ

ёрдам бермаса уни амалга оширишга на кучим, на қувватим етади. Умид қиламанки, Халифаликка мендан ҳам муносиброқ ва кучлироқ одам чиқади». (Ҳоким саҳиҳ иснод билан ривоят қилган).

Шундай қилиб, Абу Бакрнинг байъати Росулulloҳ ﷺ дан кейин Халифаликни мустаҳкамлада. Бу эса халифа тиклаш йўли байъат орқалигина бўлишини ва Росулulloҳ ﷺ дан кейин мусулмонларнинг сиёсий низоми рошид Халифалик эканини белгилаб берди. Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه мусулмонларнинг биринчи халифаси сифатида моҳирлик билан бошчилик қилди.

### **Абу Бакр мусулмонлар халифаси**

Сиддиқнинг Халифалиги икки йилу уч ой давом этди. Бу қисқа вақт бўлишига қарамасдан, улкан ютуқ ва амалларга бой бўлди. Ҳокимият устунлари мустаҳкамланди, муртадларга барҳам берилди ҳамда исломий даъват Шом ва Рум юртларига ёйилди. Буларнинг барчаси фатҳлар ва Ислом даъватининг тарқалиши билан бир вақтда содир бўлди.

### **Абу Бакр Сиддиқнинг Халифаликни қабул қилаётган пайтдаги хутбаси**

Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه нинг Халифаликка киришган пайтдаги биринчи хутбаси Росулulloҳ ﷺ вафотидан кейинги ички сиёсат ҳамда фуқаро ва ҳукмдор ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб берди. Бу хутба халифанинг фуқароларга нисбатан тутадиган позицияси ва халқнинг халифага нисбатан ҳақ-ҳуқуқларини баён қилди. Бундан ташқари, у жиҳод йўли орқали даъватни оламга олиб чиқишга асосланган ташқи сиёсатни ҳам баён қилди. Хутба қисқа бўлишига қарамасдан, давлатнинг асоси ва бошқарув йўлини аниқ тасвирлаб берди. Абу Бакр Сиддиқ бундай хутба қилган эди: «Аммо баъд, эй инсонлар, мен сизларга бошлиқ этиб тайинландим, лекин мен сизларнинг энг афзалингиз эмасман. Агар мен тўғри иш юритсам, менга ёрдам беринг, агар адашсам тўғрилаб кўйинг. Тўғрилик омонат, ёлғон эса хиёнатдир. Орангизда

заиф киши – мен унинг ҳаққини олиб бергунимга қадар – мен учун кучлидир. Орангиздаги кучли эса – то мен ундан заифнинг ҳаққини олиб бергунимга қадар – мен учун заифдир. Аллоҳ хор қилган қавмгина жиҳодни тарк этади. Қавм орасида фаҳш ишлар тарқалса, Аллоҳ уларга балони умумлаштиради. Мен Аллоҳ ва Росулига итоат қилар эканман, сизлар менга итоат қилинг. Агар Аллоҳ ва Росулига осийлик қилсам менга итоат қилманг. Энди намозни адо этинг Аллоҳ сизга раҳм қилсин». Ибн Касир саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.

### **Давлат ишларини идора қилиш**

Абу Бакр давлат ишларини тенгсиз иқтидор ва моҳирлик ҳамда етук фаросат билан бошқарди. У Росулulloҳ ﷺ тайинлаган волийларни ўзгартирмасликка ҳаракат қилди ва Росулulloҳ ﷺ давридаги мавжуд ҳукумат структурасини сақлаб қолди. Шунингдек, давлатни қийнаётган хавф-хатарларга қарамай, Усома ибн Зайд аскарларини Римга юборишга қаттиқ турди. Бир вақтнинг ўзида закот беришдан бош тортаётганларга ва муртадларга қарши курашди. Қолбуки, давлат тенги йўқ давлат арбоби томонидан амалга оширилган ажойиб сиёсий ишларга аскарлар етишмаслигидан азият чекар эди.

### **Усома қўшинини юбориш ва муртадлар жанги**

Саҳобалар Абу Бакр رضي الله عنهни халифа этиб сайлаганларидан сўнг, унинг ҳукмронлиги катта қийинчиликларга дуч келди. У ана шундай оғир шароитларда ҳам Ислом Умматининг бирлигини сақлаб, давлат қудратини ошира олди.

### **Муртадлар жанги**

Росулulloҳ ﷺ вафотларидан сўнг баъзи араб қабилалари Исломни тарк этдилар. Бироқ Абу Бакр Сиддиқ бунга қарши қаттиқ туриб, муртадларга қарши уруш бошлашга қарор қилди. Бу жанглар унинг Аллоҳ ва Росулига чинакам ихлос ва қатъиятини кўрсатди. Абу Бакр Росулulloҳ ﷺ Румга қарши уруш учун тайёрлаган Усома

қўшинига бундай буйруқ берди: «Усома аскарларидан бирортаси Мадинада қолмасдан Журфдаги қароргоҳга чиқсин». (Бидоя ва ниҳоя).

Баъзи саҳобалар Усома қўшинини жўнатиш борасида Абу Бакрга қарши чиқиб, муртадларга қарши курашиш учун қолишини айтишган эди. Улар бундай дейишди: «Анави одамлар мусулмонлардан кўп, араблар эса кўриб турганингиздек сизга қарши чиқишди. Шунинг учун мусулмонлар жамоасини ўзингиздан ажратманг». (Бидоя ва ниҳоя). Шунда Абу Бакр уларга бундай жавоб қилди: «Абу Бакрнинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, агар мени йиртқич ҳайвонлар судраб олиб кетади деб гумон қилганимда ҳам Росулulloҳ ﷺ амр қилганидек Усома қўшинини юборган бўлар эдим. Шаҳарда мenden бошқа ҳеч ким қолмаса ҳам Усома қўшинини жўнатар эдим». (Табарий тарихи).

Шундай қилиб, Абу Бакр қўшинга кўрсатма бериб, уни жўнатиб юборди. Қўшин Рум юртларига бориб, буюк ғалабаларни қўлга киритди ва Ислom давлатининг ҳайбатини оширди. Бундай оғир шароитда қўшиннинг жиҳодга чиқиши Ислomий давлатдаги исёнчилар ва муртадларда қўрқувни пайдо қилди.

Абу Бакр ﷺ закотнинг фарзлигини тан олишса-да, уни давлатга беришдан бош тортаётганлар билан жанг қилишга қарши чиқаётган Умар ибн Хаттобдек саҳобаларнинг эътирозини қабул қилмади. Чунки Абу Бакр ўткир назарли ва билимдон киши эди. Абу Бакр уларнинг ишини муртадлик, давлатга қарши чиқиш ва динни камситиш деб ҳисоблади. У ўшанда қўидаги машҳур гапини айтди: «Мен тирик бўла туриб, дин камситиладим». У яна бундай деди: «Аллоҳга қасамки, намоз билан закотнинг орасини ажратган кимса билан албатта уришаман. Чунки закот молнинг ҳаққидир, агар улар Росулulloҳ ﷺ га беришган урғочи эчкини беришдан бош тортишса ҳам улар билан уришаман». Бухорий ривояти.

Бошқа ривоятда «Росуллоҳга беришган бир арқонни беришдан бош тортишса ҳам улар билан уришаман» дейилган. Умар ибн Хаттоб айтади: «Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳ Таоло Абу Бакрнинг қалбини жанг қилишга илҳомлантирганини билганимдан кейин, уни ҳақ эканини англадим». Муслим ривояти.

Абу Бакр муртадлар билан бўлган жангда шахсан ўзи қатнашди ва қўшиннинг бошида урушга чиқди. Саҳобалар унга Мадинада давлат ишларини бошқариш учун қолиши ва қўшин қўмондонлигини бошқасига топширишини таклиф қилишди. Али ибн Абу Толиб унинг олдига келди ва туясининг тизгинидан ушлаб, бундай деди: «Эй Росулulloҳнинг халифаси қаёққа кетяпсиз? Мен сизга Росулulloҳ ﷺ Уҳуд кунида айтган гапни айтаман. Қиличингизни қинига солинг, бизни фожиага дучор қилманг. Аллоҳга қасамки, агар сизни йўқотсак, сиздан кейин ҳеч қачон исломий низом бўлмайди». Шунда Абу Бакр қайтди. (Бидоя ва ниҳоя, Ибн Касир).

Аллоҳ Таоло муртадларга қарши урушда мусулмонларга нусрат берди. Унда кўплаб саҳобалар шаҳид бўлди. Уларнинг ичида Қуръони Каримни ёд олган ва унинг оят ва сураларини ёзган ваҳий котиблари ҳам бор эди. Шунда Абу Бакр Зайд ибн Собитга ёзиб қўйилган ва ёд олинган Қуръонни жамлашни буюрди. Чунки Аллоҳ Таоло у кишининг қалбини шунга илҳомлантирган эди. Зайд ибн Собит Абу Бакр вафот этишидан олдин Қуръонни битта мусҳафга жамлашга эришди ва бу иш Абу Бакрнинг ҳасанотлар мезонига қўшилди.

### **Қуръонни жамлаш**

Росуллоҳ ﷺ вафотларидан кейин Қуръони Каримни бир мусҳафга жамлашга қарор қилган биринчи киши Абу Бакр Сиддиқдир. Чунки жангларда кўплаб ҳофизларнинг шаҳид бўлиши туфайли Қуръоннинг айрим қисмлари йўқ бўлиб кетиш хавфи туғилганди. Абу Бакр ва Умар رضي الله عنهماларнинг ташаббуслари билан Қуръони Карим бир мусҳафда жамланди. Бу келажак авлодлар учун

Аллоҳнинг китобини сақлаб қолиш йўлида қўйилган биринчи қадамдир. Абу Бакр Сиддиқ тарихнинг энг оғир дамларида ҳам иймонида собит, фидойи ва ҳақгўй инсон бўлган эди. У Ислом дини учун қилган буюк ишлари туфайли Умматнинг энг улуғ халифасига ва номи тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилган буюк сиймолардан бирига айланди. Абу Бакр رضي الله عنه Ислом йўлида жонини, молини, вақтини фидо қилишдан тоймайдиган саҳобалар учун ҳам гўзал намуна эди.

### **Қўшинларни Шом ва Ироқ юртларига йўналтириш**

Абу Бакр رضي الله عنه Форс ва Рум ўртасида бўлган тўқнашувлардан унумли фойдаланди. Бир вақтнинг ўзида Шарқ ва Ғарб томонга фотиҳларни юборди.

Холид ибн Валид ва Мусаний ибн Ҳорисани Форс минтақасига юборди. Улар Ироқнинг Анбар, Давматул Жандал, Фуроз ва Хийра каби шаҳарларини фатҳ қилишди. Шом юртларидаги Рум минтақасига Язид ибн Абу Суфён, Амр ибн Ос, Шураҳбил ибн Ҳасана етакчилигида қўшинларни юборди. Сўнг Абу Убайда ибн Жарроҳ етакчилигида ёрдамчи қўшин юборди. Бу билан Иордания, Фаластин, Дамашқ ва Химс юртларини фатҳ қилиш назарда тутилганди. Муслмонлар билан румликлар ўртасида Ярмук ғазоти бўлиб ўтди. Муслмонларни қўллаб-қувватлаш учун Холид ибн Валид келиб жангга қўшилди. Уруш пайти муслмонларга биринчи халифа вафот этгани ва ундан кейин Халифаликка Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ўтиргани тўғрисида хабар келди.

### **Абу Бакрнинг Умар ибн Хаттобни ўз ўрнига Халифа қилиб қолдириши**

Дарҳақиқат, Абу Бакр رضي الله عنه Исломий давлат бир вақтнинг ўзида икки буюк давлат билан уруш олиб бораётгани боис хавф-хатар мавжудлигини сизди. Сўнг саҳобалар билан кенгашиб, ўзининг вафотидан кейин муслмонлар ихтилоф қилмаслиги учун барча муслмонлар Умар ибн Хаттобга байъат беришларини тайинлади. Бу нозик

паллада давлатни сақлаб қолиш учун мактуб ёзиб, уни одамларга ўқиб берди.

### **Саҳобаларнинг Умарнинг Халифа бўлишидан кўрқिशлари**

Ибн Касир бу кўрқувни бундай зикр қилади: «Талҳа ибн Убайдуллоҳ Абу Бакр ўзидан кейин Умарни қолдираётганини билгач, унинг олдига кирди. Сўнгра унга бундай деди: «Одамларга Умарни халифа қилиб қолдираётган экансиз. Сизнинг Халифалигингизда у одамларга қандай муносабатда бўлганини кўрдингиз. Агар Умар одамлар билан қолса ва сиз Роббингизга рўбарў бўлсангиз, У сиздан халқингиз ҳақида сўраса нима дейсиз». Шунда Абу Бакр қўзғалиб, Талҳани елкасидан ушлаб бир силкитиб, «мени ўтирғизиб қўйинглар», деди, уни ўтирғизиб қўйишгач, Талҳага бундай деди: «Мени Аллоҳ билан кўрқитяпсанми?! Мен Роббимга йўлиққанимда У Зот мени сўроққа тутса, Унга бандаларинга улардан энг яхшисини халифа қилиб қолдирдим, деб айтаман».

Абу Бакр тақвosi туфайли Халифалик мансабидан фойдаланиб бир дирҳам ёки мол-мулк топишдан сақланди. Оиша онамиз ривоят қилишича, Абу Бакр бундай деган эди: «Қаранглар, халифа бўлганимдан бери бойлигимга нима қўшилган бўлса, уни мендан кейинги халифага беринглар». Қарасак, бир нубиялик бир қул болаларини кўтариб юрган экан ва ёнида Абу Бакрнинг боғини суғорадиган сув ташувчи туяси ҳам бор экан. Биз у иккисини Умарга жўнатган эдик, у йиғлаб юборди ва «Аллоҳ Абу Бакрни раҳматига олсин, мен ундан кейин қаттиқ қийналаман», деди. Ибн Жавзий ва бошқалар саҳиҳ иснод билан ривоят қилишган.

### **Абу Бакр Сиддиқнинг вафоти**

Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها ривоят қилишича, Абу Бакр رضي الله عنه совуқ кечада чўмилгани туфайли пайдо бўлган касаллик таъсирида вафот этди. Чунки ўшандан кейин иситмаси кўтарилиб ўн беш кун намозга чиқа олмади. У

Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهни ўзининг ўрнига жамоат намозларида имомлик қилишини васият қилди.

Абу Бакр ҳижратнинг ўн учинчи йили, жумодуссоний ойининг йигирма иккинчи куни сешанба кечасида вафот этди. Бу милодий 634 йил, 23 августга тўғри келади. (Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «Исоба фи тамйизис саҳоба» китоби).

Абу Бакрнинг вафотидан олдинги охири сўзи: «رب توفني مسلماً، وألحقني بالصالحين» «Роббим мени муслмон ҳолда жонимни ол ва солиҳ бандаларингдан қил», шу сўзни айтдида охири нафасларини берди. Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олиб, ундан рози бўлсин.

Мадина Сиддиқнинг вафот этганини эшитиб, ларзага келди. Росулulloҳ ﷺ вафот этганидан бери Мадина бундай йиғини кўрмаган эди. Саҳобалар у кишидан ажраганидан қаттиқ маҳзун бўлишди.

Али ибн Абу Толиб йиғлаган ҳолда шошилиб келиб, Абу Бакр турган уйда тўхтаб, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун», деди ва ушбу сўзларни айтди: «Эй Абу Бакр сизни Аллоҳ ўз раҳматига олсин. Сиз Росулulloҳ ﷺнинг ҳамроҳи, дўсти, тасалли берувчиси, ишончли шериги ҳамда сирдоши ва сўхбатдоши эдингиз». У яна бундай деди: «Аллоҳга қасамки, муслмонлар Росулulloҳ ﷺдан кейин сиздан ажралиш каби оғир мусибат билан мусибатланмадилар. Сиз дин учун фахр, бошпана ва мисоли ғор эдингиз. Аллоҳ сизни Муҳаммад ﷺ билан бирга қилсин. Аллоҳ бизни ҳам сизникидек ажрдан маҳрум қилмасин ва сиздан кейин бизни адаштирмасин». Али ибн Абу Толиб сўзини тугатгунича одамлар жим туришди, кейин «Тўғри айтдинг», деб ҳўнграб йиғлай бошлашди. (Ибн Жавзийнинг «Табсира» китоби). □

**Бирлашган Араб Амирликлари АҚШ президенти Доналд Трамп маъмуриятига Ғазо секторидаги урушдан кейинги режадан воз кечиши учун босим ўтказмоқда**

Америка ва Миср расмийлари Британиянинг «Middle East Eye» веб-сайтига маълум қилишича, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) АҚШ президенти Доналд Трамп маъмуриятига Ғазо секторидаги урушдан кейинги режаларини бекор қилиш учун босим ўтказмоқда. Бу режа Миср томонидан тузилган ва Араб Лигаси томонидан тасдиқланган эди.

«Arabi21» томонидан таржима қилинган маълумотда айтилишича, бу ҳаракат араб дунёсида Ғазо секторининг келажакдаги бошқаруви ва уни қайта тиклаш масаласида ким қарор қилиши ҳақида рақобатнинг кучайиб бораётганини акс эттиради. Шунингдек, маълумотда қайд этилишича, Ҳамас ҳаракатининг бу минтақадаги таъсири қай даражада бўлиши кераклиги масаласида ҳам келишмовчиликлар мавжуддир.

Мақолада шундай дейилади: «БААнинг бундай босими Миср учун катта муаммо туғдирмоқда, чунки БАА ҳам, Миср ҳам Ғазода таъсир кучига эга бўлган фаластинлик сиёсатчини қўллаб-қувватлайди. У Фатҳ ҳаракатининг собиқ масъули Муҳаммад Даҳландир».

АҚШ расмийларидан бирининг сўзларига кўра, «Араб Лигаси режани маъқуллаганида, унга БААдан бошқалар ҳам қарши чиққан эди, бироқ Трамп маъмуриятининг режасига энг кучли қаршилиқ кўрсатган БАА бўлган эди».

Унинг қўшимча қилишича, «БАА Оқ уйдаги мисли кўрилмаган таъсиридан фойдаланиб, бу режанинг амалга оширилишини танқид остига олмоқда ва Мисрни Ҳамасга ҳаддан ташқари кўп таъсир ўтказаетганликда айбламоқда».

Бу борада маълумотга эга бўлган АҚШлик ва мисрлик икки расмийнинг «Middle East Eye» сайтига айтишича, «БААнинг АҚШдаги кучли элчиси Юсуф Атийба Трампнинг атрофидагиларга ва Америкалик қонун чиқарувчиларга босим ўтказиб, Мисрни фаластинлик қочқинларни мажбуран қабул қилиш учун зўрлашга уринмоқда».

**Ал-Ваъй:** Мусулмон ўлкалари ҳукмдорларининг, хусусан, БАА ҳукуматининг хиёнати тасаввур қилиб бўлмайдиган

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>даражага етди. Улар ўзаро манфаатларига зид иш қилиб, хўжайинларини рози қилиш учун Умматнинг бойлигини совурмоқда. Улар бу дунёда қанча ҳаракат ва сарф-харажат қилмасин, бари-бир бу дунёда мағлуб бўладилар, охиратда эса ўша сарфлаган моллари ўзлари учун ҳасрат бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:</p>		
<p>﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾</p>		
<p><b>«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар»</b> [Анфол 36]</p>		
<p><b>Ғазога қарши яҳудийлар урушининг босқинчи кучларга чуқур психологик таъсири</b></p>		
<p>«(Исроил) Зарба коалицияси» ташкил қилган «Психологик чидамлилик» номли конференция урушнинг (Исроил) армиясига чуқур психологик таъсири ҳақида «безовта қилувчи» маълумотларни фош қилди. Конференцияда тақдим этилган маълумотларга кўра, психологик ёрдам марказларига мурожаат қилувчилар сони тўрт баробарга ортган бўлса, бу марказларнинг фаолиятлари эса ўн баробарга кучайтирилган.</p>		
<p>(Исроил)нинг Walla веб-сайтининг ижтимоий ва соғлиқни сақлаш муҳбири Авиҳай Ҳаимнинг ёзишича, ушбу психологик ёрдам марказлари (Исроил) соғлиқни сақлаш тизимининг асосий қисмига айланган. Чунки хавфсизлик ҳолатининг ёмонлашиши ва урушнинг давом этиши хизматларни кенгайтиришни ва бу соҳада кадрлар кучайтирилишини талаб қилади.</p>		
<p>«(Исроил) Зарба коалицияси»нинг раҳбари Карин Капитка Хуберман Ғазога қарши қирғинбарот уруш бошланганидан кейинги кўрсаткичлар ҳақида айтиб ўтди. Унга кўра, психолог-маслаҳатчи ва терапевтлар сони 8 баробар кўпайган. Клиник бўлимларда эса 290 минг соат даволаш хизмати кўрсатилган. 8900 нафар шифокор семинарларда иштирок этган ва 72 минг киши ижтимоий ёрдам ишларига жалб этилган.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Баёнотларга кўра, Ғазо сектори атрофида яшовчи аҳолининг 28 фоизи психологик муолажа олмоқда. Айни пайтда турли марказларда даволанаётган исроилликларнинг умумий сони 34083 нафарни ташкил қилади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> бу – қурол-яроғ ва технология жиҳатидан алла қанча қудратли бўлса-да, бир ҳовуч мусулмонларга қарши курашаётган яҳудий армиясининг аҳволи. Агар мусулмонларнинг бирлашган қўшинига дуч келса уларнинг аҳволи қандай бўлар экан? Халифалик давлати тикланиб, умумий жиҳод эълон қилинса-чи?! У кунда балки мусулмонлар қўшини бирорта ҳам ўқ отмай туриб, уруш эълон қилиниши биланоқ Аллоҳ Азза ва Жалланинг изни ила яҳудий қўшини тум-тарақай бўлиб, қочиб қолади.</p>		
<p><b>Яҳудий вужуди АҚШнинг рухсати билан Ғазога қарши урушни қайта бошлади</b></p>		
<p>Британиянинг «The Guardian» газетаси биринчи саҳифасида босқинчи (Исроил) давлатининг Ғазода ўт очишни тўхтатиш келишувини бузиши – жонлар ва умидларни йўқ қилиш эканлигини ёзди.</p> <p>Мақолада таъкидланишича, босқинчи (Исроил) бош вазири Биньямин Нетаняхунинг ҳокимиятда қолиши охири кўринмаётган уруш ҳамда фаластинликлар ва асирларга қарши олиб борган оғир кураши билан боғлиқдир. Мақолага кўра, сешанба кунги воқеа уруш бошланганидан бери энг кўп қон тўкилган кунлардан бири бўлган.</p> <p>Газета босқинчи давлатнинг «ҳужумда террорчилар нишонга олингани» ҳақидаги даъвосини изоҳлар экан, шундай дейди: «Бироқ, Ғазо соғлиқни сақлаш бошқармасига кўра, 400 дан ортиқ қурбонлар орасида 174 нафари болалар ва 89 нафари аёллардир».</p> <p>Шунингдек, мақолада шундай дейилади: (Исроил) армиясининг халқларни эвакуация қилиш ҳақидаги буйруғи маҳаллий фаластинликлар учун яна бир руҳий жароҳат ва кўчишларнинг давом этишига олиб келадиган навбатдаги қуруқлик ҳужумига тайёргарлик кўраётганини ифодалайди. Нетаняху «бу ҳали бошланиши» эканлигидан огоҳлантирди. (Исроил)лик маҳбусларнинг оилалари эса, хавф-хатарни ҳис</p>		

қилмоқда ва ўзларини ташлаб қўйганлиги учун ҳукуматдан норози бўлмоқда.

**Ал-Ваъй:** Бу воқеа бўйича энг кучли сўз Ҳизб ут-Таҳрирнинг қўшинларга йўллаган баёнотида айтилган ушбу сўздир:

«Орангизда қўшинга бошчилик қиладиган ва рувайбизалар қўйган «яҳудийларга қарши уруш эълон қилмаслик» тўсиғини бузиб, Ислом қўшинини ғалаба сари етаклайдиган тўғри йўлга юргувчи бирор киши йўқми?!

Ана шунда Росулulloҳ ﷺ башорат қилган хабарлар рўёбга чиқади:

«...تَقَاتِلُكُمْ الْيَهُودُ فَتَسْلُطُونَ عَلَيْهِمْ...»

«Сизлар яҳудийлар билан жанг қилиб, ғолиб бўласизлар...». (Саҳиҳи Бухорий).

«...لَتَقَاتِلَنَّ الْيَهُودَ فَتَقْتُلُنَّهُمْ...»

«Сизлар яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирасизлар...». (Саҳиҳ Муслим).

Шунда сиз яҳудий вужудини бу муқаддас ердан ҳайдаб чиқарасиз. Шундан сўнг бу ер Умар رضي الله عنه фатҳ қилганидек, Салоҳиддин қутқарганидек, Абдулҳамидхон ҳимоя қилганидек, яна Ислом диёрига айланади.

﴿وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٤٥﴾ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٤٦﴾﴾

«**Ўша кунда мўминлар Аллоҳ нусрат бергани сабабли шодланурлар.** (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир» [Рум 4-5]

**Ҳибсга олишлар ва намоишларни куч билан бостириш:  
Туркияда нима бўляпти?**

2025 йил 19 март куни Истанбул ҳоқими Акрам Имомўғли коррупцияга алоқадорлик ва террорчи ташкилотга ёрдам беришда гумонланиб Туркия ҳукумати томонидан ҳибсга олинди. Бу ҳибсга олиш унинг 2028 йилги президентлик сайловларида Республика Халқ партиясидан (СНР) ўз номзодини тақдим этиши кутилаётган бир пайтга тўғри келди. Имомўғли президент Ражаб Тоййиб Эрдоганга қарши энг нуфузли муҳолифат етакчиларидан бири ҳисобланади.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Унинг ҳибсга олиниши билан бирга Истанбул университети Имомўфлининг олий маълумотга эгалигига оид дипломини бекор қилди. Бу эса конституциявий жиҳатдан унинг президентликка номзодлигини бекор қилиши мумкин. Чунки Туркия Конституциясига кўра, номзоднинг олий маълумотга эга бўлиши талаб қилинади.</p>		
<p>Имомўфлидан ташқари 100дан ортиқ одам, жумладан унинг ёрдамчилари ва Истанбулнинг бошқа туманларининг ҳокимлари ҳам ҳибсга олинди. Бу ҳодиса Туркиянинг бир қанча шаҳарларида, хусусан Истанбулда норозиликларга сабаб бўлди. Республика Халқ партияси ҳодисани «демократияга қарши фуқаролик инқилоби» деб атади.</p>		
<p>Туркия ҳукумати ушбу воқеаларга жавобан Истанбулда тўрт кун давомида митинг ва йиғилишлар ўтказишни тақиқлаб қўйди ва шаҳарда хавфсизлик чораларини кучайтирди. Шунингдек, X (собиқ Twitter) ва Instagram каби ижтимоий тармоқларга чеклов қўйилгани маълум қилинди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Эрдоган Туркияни 20 йилдан ортиқ вақтдан бери очиқ-ойдин секуляризм билан бошқариб келмоқда. У Ислом ва мусулмонларга ғалаба келтирмади ва шу билан бирга секулярлар ва камолистларнинг ҳам тўлиқ розилигига эришмади. Энди унинг юлдузи сўниб, кучи тугаб бормоқда. Унинг хўжайинлари, худди бошқа малайларини алмаштирганидек, Эрдоганни ҳам қўллаб-қувватлашдан воз кечиши мумкин. Бу таҳдидни сезган Эрдоган ўзининг ҳукумати ва нуфузига таҳдид туғдирадиган ҳар қандай муҳолифатни йўқ қилишга киришди...</p>		
<p>Мана шу демократиянинг ҳақиқий башарасидир.</p>		
<p><b>Нега яҳудий вужуди Сурияга такрор-такрор ҳужум уюштироқда? Мақсади нима?</b></p>		
<p>(Исроил) ҳаво кучлари Сурия жанубидаги Дара минтақасига ҳужумларини кучайтирди. Босқинчи армиянинг матбуот котибига кўра, ҳужумда собиқ Сурия режимига оид қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар сақланадиган ва ҳозирда янги режимга содиқ қуролли гуруҳлар томонидан фойдаланилаётган объектлар нишонга олинган.</p>		

Ҳужумларда Дара водийсидаги ҳарбий иншоотлар, қурол-яроғ ва ўқ-дори омборлари, 175-полк, Израъ шаҳридаги 12-бригада ва ҳарбий лагерлар, шунингдек Дара шимолида жойлашган Инҳил шаҳридаги 15-бригада нишонга олинди. Суриянинг янги режимига тегишли ҳарбий тузилмалар ҳам ҳужумга учради.

Бундан ташқари, ушбу ҳужумлар ҳоқимиятдан ағдарилган президент Башар Асад режимига қарашли 132-бригадани ва эронпараст қуролли кучлар назорати остидаги ҳарбий объектларга қаратилди. Дамашқ чеккасида жойлашган Кисва шаҳридаги ва унга яқин жойлашган Телл ал-Манак ҳудудидаги ҳарбий объектлар ҳам нишонга олинди.

(Исроил)га қарашли 13-каналга кўра, Сурияга берилган ушбу ҳаво ҳужумларини оқлаш учун яҳудий армияси бош штаби баёнотида шундай дейилади: «Сурия жанубида бундай қуролларнинг мавжудлиги (Исроил) давлатига таҳдид солади. Шунинг учун (Исроил) давлати ҳарбий муассасаларнинг хавфсизлик зонаси ва ўт очишни тўхтатиш чизиғи бўйлаб ҳарбий таҳдид туғдиришига йўл қўймайди ва унга қарши чора кўради».

**Ал-Ваъй:** Ҳазодаги мусулмонларнинг оммавий қирғин қилиниши етмагандай, эндиликда Сурияга уюштирилаётган босқинчиликлар яҳудий вужудига қарши жиҳод эълон қилишни вожиб қилмайдими? Шомдаги мужоҳидлар яҳудий вужудига зарба бериш учун нега ҳаракатга келмаяпти? Яҳудий вужуди Сурия хавфсизлигига таҳдид туғдирмаяптими?... □

Ибн Исҳоқ Бадр куни ҳақида шундай дейди: менга Бану Салама қабиласининг айрим кишиларидан хабар берилди, улар айтдилар: Ҳубоб ибн Мунзир ибн Жамуҳ шундай деди: «Ё Росулulloҳ, сиз танлаган ушбу манзил ҳақида нима дейсиз? Бу Аллоҳ сизни тўхтатган манзилми, ундан олдига ҳам, орқага ҳам жилишга ҳаққимиз йўқми? Ёки бу сизнинг фикрингиз, уруш ва ҳийлами?». Росулulloҳ ﷺ дедилар: **«Бу фикр, уруш ва ҳийладир»**. Шунда Ҳубоб деди: «Ё Росулulloҳ, бу тўғри манзил эмас, одамларни олиб душманга энг яқин жойлашган сув булоғига бориб тўхталик. Кейин уларнинг ортидаги кудуқларни ёпиб ташлайлик, кейин ўзимизга бир ҳовуз ковлаб, уни сувга тўлдирайлик, кейин душман билан уришайлик. Шунда биз сув ичамиз, улар эса ичишолмайди». Шунда Росулulloҳ ﷺ дедилар: «Ҳақиқатда тўғри фикр айтдинг». Ибн Исҳоқ айтади: менга Абдуллоҳ ибн Абу Бакрнинг айтишича, унга Саъд ибн Муознинг шундай дегани ҳақида хабар беришган: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, келинг сизга қапа куриб берайлик ва ёнингизга уловларингизни тайёрлаб қўяйлик. Сўнг биз душман билан тўқнашамиз. Агар Аллоҳ бизни азиз қилиб душманамиз устидан ғалабага эриштира, унда биз хоҳлаган нарса бўлади. Агар бунинг тескариси бўлса, уловларингизга минасиз-да, ортингиздаги кишиларга бориб қўшиласиз. Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, ортингизда бир қанча одамлар қолган, уларнинг сизга бўлган муҳаббати бизникдан кам эмас. Агар улар сизни урушга чиқади деб ўйлаганларида, ортингизда қолмаган бўлар эдилар. Аллоҳ сизни улар билан ҳимоя қилади, улар сизга самимийдилар, сиз билан бирга жиҳод қиладилар». Шунда Росулulloҳ ﷺ унинг ҳаққига яхши дуо қилиб, мақтадилар.

Сўнгра Набий ﷺ мусулмонлар қўшинининг сафларини тартиблаштира бошладилар. Ибн Исҳоқ айтади: Менга Ҳиббон ибн Восеъ ибн Ҳиббон ибн Восеъ ўз қавмининг оқсоқолларидан шундай ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ Бадр куни асҳобларининг сафларини текисладилар, у кишининг қўлларида бир таёқча бор эди, у билан сафни текислардилар. Бану Адий ибн Нажжорнинг иттифоқчиси Сувод ибн Ғозиянинг ёнидан ўтаётганларида у сафдан бир оз олдинга чиқиб кетган эди. Росулulloҳ ﷺ унинг қорнига таёқ билан уриб шундай дедилар: «Текислан эй Сувод ибн Ғозия». Росулulloҳ ﷺ жанггоҳнинг ортидаги пиёда аскарларни бошқаришга Қайс ибн Абу Саъсаа Амр ибн Зайд ибн Авф ибн Мабзулни тайинладилар. Унга Сукъё деган жойдан чиққанда мусулмонларнинг сонини ҳисоблашни буюрдилар. У Абу Анба кудуғининг олдида тўхтаб, уларни санади. Сўнгра Росулulloҳ ﷺ га хабар берди ва у кишининг олдига мушрикларга бориб душманларининг хабарини олиб келадиган икки айғоқчини келтирди. Улар Басбас ибн Амр ва Адий ибн Абу Зағбо эди. Улар Жуҳайна қабиласидан бўлиб, ансорларнинг иттифоқчилари эди. Улар Бадр сувининг олдига бориб, мушрикларнинг хабарини ўрганиб, Росулulloҳ ﷺ нинг олдиларига қайтдилар.

Ушбу мукаммал тайёргарлик ва сабабларни тўла тарзда ушлашдан сўнг Росулulloҳ ﷺ Роббисига ёлвориб, мурожаат қилдилар, ваъдасини сўраб шундай дуо қилдилар:

«Аллоҳим менга ваъда қилганингни амалга ошир, Аллоҳим менга ваъда қилганингни бер. Аллоҳим, агар мусулмонларнинг ушбу гуруҳи ҳалок бўлса, унда ер юзида Сенга ибодат қилинмай қолади». У киши қиблага қараб икки қўлини қўтариб дуо қилаётганларида ридоси икки елкаларидан тушиб қолди. Шунда Абу Бакр келиб, ридосини олиб, икки елкаларига ташлаб қўйди. Сўнг у кишининг ридосидан ушлаб шундай деди: «Эй Аллоҳнинг элчиси, Роббингизга қилган мурожаатингиз сизга етарли. У Зот сизга ваъда қилганини амалга оширади».

Биз ҳозир башорат берилган Пайғамбарлик минхожи асосидаги тўғри йўлдаги иккинчи Халифаликнинг қайтиши яқинлаб қолганини ишонч ва умид билан кутмоқдамиз. Аллоҳнинг нусрати муқаррар келади, буни Аллоҳ Таолонинг мана бу сўзи тасдиқлайди:

﴿وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ﴾

*«Аслида нусрат фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур»*  
[Оли Имрон 126]

Нусратга бўлган ушбу ишончга биз амал, ҳаракат, тиришиш ва катъиятни қўшмоқдамиз, токи Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзига биноан нусратга лойиқлигимиз ҳақида кўнглимиз хотиржам бўлсин:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُخَيِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

*«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур»*  
[Муҳаммад 7]

Бу ҳар бир холис, дини ва Умматига ғаюр мусулмонга даъватдир: исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб бораётган холис кишиларнинг сафига қўшилишлар. □

## ҚЎШМА ШТАТЛАР БАНГЛАДЕШДАГИ ВАЗИЯТ (ИСЛОМИЙ ХАЛИФАЛИК) БОРАСИДА ҚАТТИҚ ХАВОТИР ОЛМОҚДА

Америка разведка хизмати етакчиси Тулси Габбард NDTV World канали билан бўлган мулоқоти чоғида Бангладешдаги диний озчиликларга босим ўтказилаётгани борасида хавотир билдирди. У Трамп маъмурияти дунё бўйлаб «Ислом терроризми»ни енгишга қаттиқ бел боғлаганини таъкидлади.

У Дональд Трамп бошчилигидаги янги ҳукумат Бангладешдаги муваққат ҳукумат билан музокараларни бошлаганини қўшимча қилди. Габбард Бангладешдаги исломий экстремизм билан террористик элементларнинг кучайиши ҳақида сўз юритиб бундай деди: «Президент Трампнинг янги маъмурияти ва Бангладеш ҳукумати ўртасида музокаралар эндигина бошланмоқда, бироқ бу масала диққат марказида бўлиб қолаверади».

У ўз сўзида «Исломий Халифалик» мафқураси ҳақида гапириб, дунёдаги экстремистик элементлар ва террорчи гуруҳлар бу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилишаётганини билдирди. У шундай деди: «Исломий террорчилар таҳдиди ва дунёдаги турли террорчи жамоаларнинг ҳаракатлари шу идеология ва мақсад – Исломий Халифалик бошқаруви сари йўналтирилган». У «Кўриниб турибдики, бу ҳаракат – улар (террорчилар) мақбул деб санагандан – бошқа дин вакилларига ўз таъсирини ўтказди. Улар бу мақсадни террор ва бошқа ғоят шафқатсиз услуб ва воситалар орқали рўёбга чиқаришмоқчи», деб қўшимча қилди.

Габбард, Дональд Трамп ушбу идеологияни чеклаб, уни енгишга ва «радикал исломий терроризм»нинг ўсишига тўсиқ қўйишга қаттиқ бел боғлаганини билдирди. У шундай деди: «Президент Трамп исломий терроризмни ҳаракатга келтирган идеологияни чеклаш ва унинг одамларга террор қўллаш имкониятини йўқ қилишни ўз зиммасига олади».

**Ал-Ваъй:** Америка Исломга қарши олиб бораётган уруш ҳозирда олдингидан ҳам очикроқ кўриниб қолди. Бу, улар даъво қилгандек, қуролли терроризмга қарши уруш эмас, балки очик солибчилик уруши. Бу ҳақиқатни Трампдан олдин кичик Буш айтиб чиққан. Улар ўзлари бу уруш Ислом динига қарши эканини эълон қилишмоқда!

Эй Муҳаммад ﷺ Умматининг фарзандлари, энди сиз нима қиласиз?! □